БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 69 (18.845). • Чоршанба, 21 март 1984 йил • Баҳоси 3 тийин.

ЧИГИТ ЭКИШГА ТАЙЁРМИСИЗ?

ДОЛЗАРБ КУНЛАР

МАШИНАЛАР, МЕХАНИЗМ-АГРЕГАТЛАР МАВСУМГА ШАЙЛАБ ҚЎЙИЛДИМИ? БОШ ВАЗИФА ЧИГИТ ЭКИШНИ 7—8 ИШ КУНИДА ТУГАЛЛАШ, ГЕКТАРЛАРНИНГ ТЎЛА, УЯЛАР, КЎЧАТЛАР СОНИНИНГ БУТ БЎЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШДАН ИБОРАТ. ЧИГИТНИ ЮЗ ФОИЗ ТУПРОҚНИНГ ТАБИИЙ НАМИГА УНДИРИБ ОЛИШ ЗАРУР. МЎЛ ВА ЭРТАГИ ҲОСИЛ УЧУН МЕХАНИЗАТОРЛАР МУСОБАҚАСИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК!

Деҳқончилик, хусусан пахтачиликда фурсат ҳал қилувчи роль ўйнайди. Фурсатдан ютганлар, албатта, ҳосилдан ютади. Эрта экканлар хирмон қилади. Чигит апрель ойининг биринчи беш кунлигида экиб бўлинса, ниҳоллар тупроқнинг табиий намига текис униб чиқади, соғлом ўсиб, ривожланади. Экишни қисқа фурсатда сифатли ўтказиш, гектарларнинг тўла, уялар, кўчатлар сонининг бут бўлишини таъминлаш асосан механизаторларнинг билими ва тажрибаси, ишчанлиги ва тадбиркорлигига боғлиқдир.

Фурсатдан ютишнинг йўллари кўп. Ғанимат кунларнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиш, кунига бир ярим-икки норма бажариш, ўғитларни эртароқ қатор ораларига солиб, самарадорлигини ошириш, культивация ва суғоришлар оралиғини қисқартириш шулар жумласидандир. Демак, **барча хил дала ишларини тиғиз графиклар асосида олиб бормоғимиз, юз берган кечикиш ўрнини юқори суръат ва сифат ҳисобига тўлдирмоғимиз зарур.**

Пудрат усулида ишлашга кўчган бригадаларга асосан механизаторлар бошчилик қилмоқдалар. Чигит экишдан тортиб, ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган ишлар комплексини машиналар, механизм-агрегатлар зиммасига ортмоқдалар. Пудрат усули меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ҳосилдорликни кўтариш, ялпи ва шахсий даромадларни кўпайтиришда катта аҳамият касб этаётир. Айни кезда **биз, механизаторлар шу усулда ишлайдиган онлавий звеолар тузишни маслаҳат берамиз. Шунда ер, сув, ўғитлар, техника воситалари ва бошқа ресурслардан фойдаланиш янада яхшиланади. Сарф-харажатларнинг қайтими кўпаяди.**

Партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрликлари туфайли тобора кўпроқ, қуввати ва бажарадиган иш ҳажми ортиқроқ техника воситалари олаётирмиз. Колхозлар, совхозлар, «Госкомсельхозтехника»нинг ремонт устахоналари замонавий асбобускуналар билан таъминланмоқда, оғир меҳнат талаб қиладиган ишлар механизациялаштирилмоқда. «Рўйхатдан чиқарилган» тракторлар қайта ремонт қилиниб, ишга туширилмоқда.

Барча хўжаликларда кўчма устахоналар қизғин иш олиб бормоқда. Дала бошида техника хизмати кўрсатиш яхшиланди. Кўчма устахоналарда малакали пайвандчилар, токарлар, механиклар ишлаётирлар. Эҳтиёт қисмлар таъминоти тобора яхшиланмоқда. **Машиналар қайси маркадалиги ва дала ишларининг қандай турларини бажаришидан қатъи назар тўла икки сменада ишлатилмоғи лозим. Бунинг учун механизаторлар сафи ўқимишли, техникага ихлосманд кадрлар билан мустаҳкамланиши, уларнинг унумли ишлашларига шароит яратиб берилиши даркор. Шунга эришайликки, ҳар куни 1984 йил учун қабул қилган социалистик мажбуриятларимизни моддама-модда бажариб борайлик!** Кўпчилик хўжаликларда шундай қилиниб юқори меҳнат унумдорлигига эришилаётир.

Лекин машиналарнинг «умри»ни бекорга ўтказаётган, қувватидан тўла фойдаланмаётган хўжаликлар, механизаторлар ҳам оз эмас. Уларда соз машиналар сифатли ремонт қилинмаган бўлади, соз механизатор кадрлар етишмайди. Қолоқликка яна бир қатор важкарсонлар кўрсатилади. Савол туғилади: машиналарнинг сифатли ремонт қилинишини ким таъминлаши керак? Механизатор кадрлар тайёрлаш ҳақида ким ғамхўрлик қилиши зарур? Ошкора айтамизки, бу ҳақда колхоз-совхозлар, техника ремонти устахоналари, «Госкомсельхозтехника»га қарашли ташкилотларнинг раҳбарлари ғамхўрлик қилишлари керак, албатта.

Хилма-хил машиналар, техника воситалари механизаторлар измидадир. Нега уларнинг қувватидан тўла фойдаланмаймиз? Машиналар, механизм-агрегатлар мукаммал бажариши мумкин бўлган ишларни қўл кучида бажарамиз? Демоқчимизки, **ўз имкониятларидан тўлиқ фойдалана билмаган, дала ишлари топшириқларини вақтида уддалай олмаган механизаторлар ҳам тартибга чақирилмоғи, улар мукофот пулларидан маҳрум этилмоғи лозим.**

Партиямиз меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент ошириш, маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент камайтириш вазифасини қўйди. Унинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш кўп жиҳатдан биз, механизаторларга боғлиқдир. Бир вақтнинг ўзида бир неча хил дала ишлари туркумини бажарсак, эътиборни сифатга қаратсак, техника воситаларининг бекор туриб қолишига йўл қўймасак, механизаторлар мусобақасининг ошкоралигини таъминласак меҳнат унумдорлиги кўтарилаверади. Ёнилғи, мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмларни нечоғли иқтисод қилсак, агрегатларнинг ишлаш муддатини узайтирсак, маҳсулот таннархи шунча камаяверади. Хулоса шуки, **ҳар бир колхоз, совхоз, бўлим ва бригадада меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент ошириш, маҳсулот таннархини 0,5 процент камайтиришни одат тусига киритмоғимиз лозим.**

Бугунги бош вазифа ремонтдан чиқарилиб, линейкаларга чизиб қўйилган тракторлар, сеялкалар ва бошқа хил техника воситаларини яна бир карра кўздан кечириб чиқишдан, аниқланган нуқсонларни зудлик билан бартараф этишдан иборат. Токи, чигит экишни жуда қисқа фурсатда, сифатли қилиб ўтказишга эришайлик! Бизлар бошқараётган ва хизмат қилаётган пудрат усулидаги бригадаларда чигит экишни узоғи билан уч-тўрт иш кунида ўтказишга, ниҳоллар униб чиққан майдонларда дастлабки комплекс парваришни дарҳол бошлашга қатъий аҳд қилдик.

Ғанимат фурсат ўтяпти. Лекин чигит экишга ҳали киришилгани йўқ. Бунга ер етилмагани баҳона қилиб кўрсатиляпти. Бошқа камчиликлар йўқми? Уруғлик чигит тащиб олиндими? Қачон ва қаерларда дориланади? Қайси майдонларга туксизлантирилган уруғ қадалади? Ана шунга ўхшаган жуда муҳим масалаларни шу кунларда тўла ҳал қилиб олмоғимиз шарт! **КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко Москва шаҳар Куйбишев сайлов округи сайловчилари билан учрашувда сўзлаган нутқида «Яхшироқ яшаш учун яхшироқ ишлаш лозим» деди. Ана шу даъватга амалий ишлар билан жавоб бериш биз, механизаторларнинг шарафли бурчимиздир.**

Гулзебо ТОЖИМОВА, Амударё районидаги «Ленинизм» колхози механизатори, СССР Олий Совети депутати; Зокир МУЙДИНОВ, Оқолтин районидаги «Фарғона» совхози механизатори; Раҳим НАРЗУЛЛАЕВ, Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози механизатори; Холмўмин САФАРОВ, Ленин йўли районидаги Будённий номли совхоз бригадир-механизатори, СССР Давлат мукофоти лауреати.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ ВАХТАСИДА

АГРЕГАТЛАР МАВСУМГА ШАЙ

Серқуёш ўлкамизда деҳқон баҳори бошланди. Пахта далаларида, устахоналарда қайноқ меҳнат авжида. Ҳамма чигит экиш мавсумига пухта ҳозирлик кўряпти. Булар қаторида Тошлоқ районидаги «Партия XXII съезди» колхози азаматлари ҳам бор. Колхозда чигит экиш мавсумида ишлатиладиган агрегатларнинг ремонтдан чиқарилиб, линейкаларга қўйилганига анча бўлди. Мутахассислардан иборат сифат комиссияси аъзолари ҳар бир техника воситасини кўрикдан ўтказиб қўйишяпти.

— «Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур», — дейди халқимиз. Биз бу доно нақлга амал қилиб, ишда сифатга алоҳида эътибор беряпмиз, — дейди колхоз бош инженери Давлат Ҳошимов. — Устахонада ишлаётган ҳар бир киши — хоҳ у слесарь, хоҳ у токарь бўлсин ўз ишига масъулият билан қараяпти. Куни кеча Сифат комиссияси аъзолари ремонтдан чиқарилган 21 та сеялкани ва бошқа агрегатларни ҳар тарафлама кўрикдан ўтказишди. Уларнинг бирортасида ҳам нуқсон топилмади. Бундан қувонган устахона ходимлари ғўза парваришн даврида ишлатиладиган агрегатларни ҳам созлашни тезкорлик билан давом эттиришяпти. Ҳар донмдагидек сифатга алоҳида эътибор берилляпти. Суратларда: (юқорида) ремонт ишларида актив қатнашаётган илғор механизатор Ҳ. Турдиев. Бош инженер Д. Ҳошимов, механиклар бригадири А. Қосимов, механизатор Н. Султонов ва устахона мудири Ғ. Ҳамроқулов (пастда) ўртоқлар ремонтдан чиқарилган агрегатларни кўздан кечиришяпти.

В. Молгачёв фотолари.

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

СУРЪАТНИ ОШИРИШ КЕРАК

Республикамизнинг илғор сабзавоткор хўжаликларида эртаги экинлар экиш, кўчат ўтқазиш ва бошқа муҳим ишлар тезкорлик билан олиб борилмоқда. Сабзавоткорлар эртаги ва ўртаги экинлар каби кечки экинлардан ҳам юқори ҳосил етиштиришга мустаҳкам замин яратмоқдалар. Ҳар қарич ер ҳисобда бўлиб, техника воситалари, ўғитлардан оқилона фойдаланилмоқда. Дала ишларида миқдор билан сифат бир-бирига маҳкам боғлаб олиб борилаётир.

Тошкент области хўжаликларида эртаги карам экиш топшириғи ортиғи билан бажарилди. Бошқачасига айтганда, 900 гектар майдонга ёки пландагидан 30 гектар кўп ерга ниҳоллар ўтқазилди. **Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро ва Самарқанд** областларида ҳам карам кўчатлари ўтқазиш, пиёз уруғи сепиш, лавлаги, ҳар хил озуқабоп кўк ўтлар экиш жадал суръатлар билан олиб борилаётир.

Самарқандлик сабзавоткорлар 310 гектар майдонга ўтқазган карам кўчатлари барқ уриб ўсмоқда. Қашқадарёлик сабзавоткорлар 46 гектар майдонга сараланган пиёз уруғи сепдилар.

Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлигига қарашли совхозларда эртаги карам, сабзи, пиёз, лавлаги ва бошқа хил экинлар экиш, кўчат ўтқазиш кучайтирилаётир. Лекин ҳамма жойда ҳам ғаним фурсатдан оқилона фойдаланилаётир деб бўлмайди. Министрликнинг **Қашқадарё** областидаги совхозларида карам кўчати ўтқазиш топшириғи ортиғи билан бажарилган бир кезда **Андижон** областидаги хўжаликларда эртаги сабзи, бақлажон ва бошқа хил экинлар экишда судралишга йўл қўйилаётир.

Ҳаво юришиб кетди. Ҳарорат кун сайин кўтарилмоқда. Ер етилмоқда. Табиий нам етарли. Бундай шароитда ўтқазилган сабзавот кўчатлари, сепилган уруғ бехато униб чиқади, кўкаради. Тез ўсиб, ривожланади. Сабзавоткорларимиз буни яхши биладилар. Шу сабабли бутун куч, техника воситаларини сафарбар этиб, экинларни тезроқ ва эртароқ экиб бўлиш мусобақасини кучайтирмоқдалар.

Лекин Жиззах, Навоий, Наманган областларида ҳамон бу муҳим ишга жиддий киришилгани йўқ. Уруғлик, кўчат ва бошқа имкониятлар етарли бўлгани ҳолда ерни экишга тайёрлаш кечиктириляпти. Хўжаликлар раҳбарлари, хусусан мутахассисларнинг ташкилотчилик роли ва масъулияти кучайтирилмаяпти. Шундай ачинарли аҳвол **Сирдарё областининг** қатор хўжаликларида ҳам юз бермоқда.

Қорақалпоғистон АССР, Хоразм областининг сабзавоткорлари ташкилий ишларни зудлик билан тугаллаб, амалий ишга киришмоқлари керак.

Барча хўжаликларда эртаги, ўртаги ва кечки экинлардан мўл ҳосил етиштирмоқ учун партия ташкилотлари умумхалқ мусобақасини авж олдирмоқлари зарур!

ПАРТИЯ ҒОЯЛАРИ—ОММАГА

Ривожланган социализмни такомиллаштиришда КПССнинг раҳбарлик ролини чуқур ёритиш, совет жамиятини иқтисодий, социал ва маънавий жиҳатдан янада тараққий эттириш вазифаларини амалга оширишда партия йўлининг давомийлигини ёркин ва ишонтирарли кўрсатиб бериш — Бутуниттифоқ «Билим» жамияти лекторлари уч миллионли отрядининг фахрли ва масъулиятли бурчидир.

Жамият правлениеси президиумининг 20 март куни бўлиб ўтган мажлисида шулар таъкидланди. Жамият ташкилотларининг КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль Пленуми қарорларини, ўртоқ К. У. Черненко нутқларида баён этилган қоидалар ва хулосаларни пропаганда қилиш соҳасидаги ишлари муҳокама этилди.

Лекция пропагандасининг илмий савиясини ошириш, унинг ҳужумкорлигини, оперативлигини кучайтириш, турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш йўллари белгиланди. (ТАСС).

МОСКВАДА УЧРАШУВ

20 март куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари К. У. Черненко расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқига келган ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР миллий мудофаа министри, армия генерали Г. Гофманни қабул қилди.

Қардошларча дўстлик ва сидқидиллик вазиятида ўтган учрашув чоғида Европада вужудга келаётган ҳарбий-сиёсий вазият, шунингдек СССР билан ГДР ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов иштирок этди.

(ТАСС).

КРЕМЛДА СУҲБАТ

20 март куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Жазоир Халқ Демократик Республикаси президентининг шахсий вакили, Миллий озодлик фронти партияси Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, ЖХДР ахборот министри Б. Руйсни Кремлда қабул қилди.

А. А. Громико билан Б. Руис ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган суҳбат чоғида актуал халқаро проблемалар хусусида, шу жумладан Яқин Шарқдаги, Ўрта денгиз районидаги ва Африка қитъасидаги аҳвол тўғрисида, шунингдек Совет—Жазоир муносабатларига доир баъзи масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

А. А. Громико Б. Руиснинг эътиборини КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненконинг 2 март куни сўзлаган нутқига жалб этди. Ана шу нутқда дунёдаги ҳозирги аҳволга принципиал баҳо берилган ва ҳозирги халқаро муносабатларда конструктив бурилишни бошлашга ҳамда ядро уруши хавфидан инсониятни халос этишга қаратилган конкрет тадбирлар программаси баён этилган. Шу муносабат билан Европада, жумладан Сицилияда Американинг ядро ракеталари жойлаштирилганлиги Европа давлатларининг хавфсизлигигагина эмас, шу билан бирга Жазоир ва Шимолий Африкадаги бошқа мамлакатларнинг хавфсизлигига ҳам бевосита таҳдид қилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Жазоир вакили АҚШ ва бошқа империалистик давлатларнинг айби билан кучайиб бораётган халқаро кескинликни юмшатишга қаратилган совет тинчлик ташаббусларига юксак баҳо берди.

А. А. Громико қўшилмасликка ҳаракатига кирган тинчликсевар давлатлар кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш учун курашда муҳим роль ўйнаётганликларини қайд этиб ўтди.

Яқин Шарқдаги аҳволни муҳокама қилиш чоғида бу райондаги вазият Исроил агрессияси ҳамда АҚШнинг араб давлатлари ишларига қуролли аралашуви кенгайиб бораётганлиги оқибатида ҳамон жуда қалтис бўлиб қолаётганлиги таъкидланди. Шу муносабат билан А. А. Громико ва Жазоир президентининг шахсий вакили Вашингтон билан Тель-Авивнинг суверен араб давлатларига қарши ва жумладан, Сурия билан Ливанга нисбатан қилаётган агрессив ҳаракатларини қатъиян қоралидилар ҳамда Ливандан Исроил қўшинлари олиб чиқиб кетилиши ва АҚШ билан Исроилнинг араб мамлакатларига қарши босқинчилик ҳаракатлари тўхтатилиши зарурлигини таъкидладилар. СССР билан ЖХДР Яқин Шарқ можароси ҳар жиҳатдан ва адолатли бартараф этилишига эришиш учун, фаластинлик араб халқининг дахлсиз миллий ҳуқуқлари амалга оширилиши учун курашни давом эттиришга азму қарор берганликларини тасдиқланди.

Африкадаги вазиятни таҳлил этиш чоғида ҳар иккала томон Африка халқларининг эркин, мустақил ривожланишига ҳалақит беришга уринаётган янги мустамлакачилик кучлари хатти-ҳаракатларининг активлашиб бораётганлигига қарши туриш мақсадида бугунги кунда қитъадаги империализмга қарши, мустамлакачиликка қарши кучларни жипслаштиришга эришиш ҳар қачонгидан кўра зарурлигига ишончлари комил эканлигини таъкидладилар. Бунда кескин вазият ҳамон сақланиб қолаётган Африка жанубидаги ва қитъанинг бошқа регионларидаги аҳволга алоҳида эътибор берилди.

А. А. Громико билан Б. Руис Совет Иттифоқи билан Жазоир ўртасидаги мавжуд анъанавий дўстлик муносабатларининг ривожланаётганлигидан мамнуният изҳор қилдилар. Улар ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатлари ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб сиёсий, иқтисодий соҳалар ва бошқа соҳаларда самарали Совет — Жазоир ҳамкорлигини янада ривожлантириш учун қулай истиқболлар мавжудлигини қайд этиб ўтдилар.

* * *

Шу куни А. А. Громико Жазоир президентининг шахсий вакили Б. Руис шарафига нонушта зиёфат берди.

Самимий дўстона вазиятда ўтган зиёфатда А. А. Громико билан Б. Руис қадаҳ кўтариб қисқача нутқ сўзладилар. (ТАСС).

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШЧИЛАРНИНГ БИРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

20 март куни Москвада Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитетининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари, шунингдек тинчликни ҳимоя қиляш республика, ўлка ва область комитетларининг, бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари совет тинчлик тарафдорларининг шу йилги вазифаларини ҳамда улар фаолиятининг асосий йўналишларини муҳокама қилдилар.

Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитетининг раиси Ю. А. Жуков доклад қилди.

Музокараларда сўзга чиққан нотиқлар совет кишилари АҚШ ҳамда унинг НАТОдаги иттифоқчиларининг агрессив режаларини барбод этиш учун курашда ўзларининг масъулиятини англашларини қайд этиб ўтдилар.

КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль Пленуми қарорларини, ўртоқ К. У. Черненконинг сайловчилар билан учрашувдаги нутқида баён этилган янги тинчликсевар таклифларни бутун халқ астойдил қўллаб-қувватлаётганлиги совет халқининг орзу-умидларига, планетадаги барча халқларнинг ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушаётган КПССнинг изчил тинчликсевар ташқи сиёсати умумхалқ томонидан яқдиллик билан маъқулланаётганлигининг яққол далилидир.

Пленум қатнашчилари қабул қилган қарорда айтиладики, тинчлик тарафдорлари совет ҳаракатининг миллионлаб активлари тинчликни ҳимоя қилиш йўлида БМТ эълон қилган қуролсизланиш учун кураш жаҳон кампанияси доирасида ўтказилаётган оммавий ишларни кучайтиришга, «Европада, Ғарбда ва Шарқда ядро қуроли йўқолсин!», «Дунёнинг ҳеч қаеридa ядро қуролига йўл йўқ!», «Қуролсизланиш ва тинчлик учун!» шиорлари остида жипслик ҳамда бирдамликни мустаҳкамлашга азму қарор бергандирлар.

Пленумда Европада ишончни, хавфсизликни мустаҳкамлаш тадбирлари ва қуролсизланишга бағишланган Стокгольм конференцияси қатнашчиларига яқдиллик билан мурожаатнома қабул қилинди.

(ТАСС).

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАРНИНГ БИРЛАШГАН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИДА

1984 йил 12 мартдан 20 мартгача Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Руминия Социалистик Республикаси, шунингдек, Совет Иттифоқининг жануби-ғарбий районлари территорияларида ҳамда Қора денгиз акваториясида иттифоқдош армиялар ва флотларнинг «Союз-84» шартли номи билан қўшма команда-штаб машқи ўтказилди.

Машқ давомида иттифоқдош армиялар ва флотлар биргаликда жанговар ҳаракат қилган пайтда уларнинг қўшинларини бошқариш ва штабларининг ўзаро баҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилиши масалалари пухта равишда ишлаб чиқилди.

Машқ генераллар, адмираллар ва офицерларнинг оператив-тактик тайёргарлиги юксак даражада эканини кўрсатди. Олий штабларнинг уюшқоқлигини янада оширишга, қўшинлар ва флотларнинг кучларини бошқариш, улар ўртасида ўзаро алоқа ўрнатиш формаларини такомиллаштиришга, қардош армияларнинг шахсий состави жанговар ҳамдўстлигини мустаҳкамлашга ёрдам берди. Машқдан кузатилган мақсадларга эришилди.

Машққа Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган қуролли кучларининг Бош қўмондони, Совет Иттифоқи Маршали В. Г. Куликов раҳбарлик қилди.

Машқда қатнашган тегишли штаблар ва қўшинлар ўз жойларига қайтмоқдалар.

РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН

ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР миллий мудофаа министри, армия генерали Г. Гофман бошчилигидаги Германия Демократик Республикасининг ҳарбий делегацияси Совет ҳукуматининг таклифига биноан 20 март куни расмий дўстлик визити билан Москвага келди.

Аэродромда делегацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

* * *

Шу куни Д. Ф. Устинов Г. Гофман билан учрашди. Самимий дўстона суҳбат бўлиб ўтди.

СССР Қуролли Кучлари билан ГДР Миллий халқ армияси ўртасида дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Дунёда ва Европада хавфсизлик актуал проблемалари юзасидан ҳам фикрлашиб олинди. Европа қитъасидаги ҳарбий-сиёсий вазиятга доир масалалар юзасидан фикрларнинг тўла бирлигига эришилди. Томонлар Ғарбий Европада Американинг биринчи зарба уришга мўлжалланган ракеталари жойлаштирилиши билан ядро уруши чиқиши хавфи талай даражада ошганлигини якдиллик билан таъкидладилар. Шу муносабат билан Д. Ф. Устинов ва Г. Гофман Совет Иттифоқининг анча олис масофага учириладиган оператив-тактик ракеталари ГДР ва ҲССР территориясида жойлаштирилиши Америка маъмуриятининг ҳаракатларига нисбатан жавоб чораси бўлиб, Европада Варшава Шартномаси билан НАТО ўртасидаги ҳарбий стратегик мувозанатнинг бузилишига йўл қўймаслиги кераклиги қайд этиб ўтдилар. (ТАСС).

ҲАМЗА ШЕЪРЛАРИ ВА ҚУШИҚЛАРИ БАЙРАМИ

Кўп йиллардан буён баҳор кунлари Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида Ҳамза шеърлари ва қўшиқлари байрами ўтказиб келинмоқда. Бу йилги ҳамзахонликлар революция, озодлик, бахтли келажак куйчиси туғилган кунининг 95 йиллигига бағишланган.

20 март куни Ўзбекистон пойтахтида шу байрамнинг якунловчи тароналари янгради. Ўзбек совет адабиёти ва театр санъати асосчиси ҳайкали ёнида анъанавий мушоира бўлиб ўтди. Адиблар, студентлар, шаҳардаги саноат корхоналарининг меҳнаткашлари Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий тўғрисидаги шеърларни, унинг илҳомбахш сатрларини ўқидилар.

Ҳ. Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида Ҳамза туғилган кунининг 95 йиллигига бағишланган кеча бўлди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Яшин кириш нутқи сўзлаб кечани очди. Сўзга чиққан нотиқлар кўпмиллатли совет адабиётини ривожлантириш учун Ҳамза ижодий меросининг катта аҳамиятга эга эканлигини тўғрисида, ёзувчиларнинг кўпгина авлодлари фаолиятига ўтказган таъсири ҳақида гапирдилар. (ЎзТАГ).

ТРАНСПОРТ: ИҚТИСОД ВА САМАРА

МУНАВВАР МАНЗИЛЛАР

Кўпчиликка яхши маълумки, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Халқ хўжалигида автотранспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, юкларни автомобиль транспортида ташиш чоғида ошириб ёзишга қарши курашни кучайтириш ҳамда ёнилғи-мойлаш материаллари яхши сақланишини таъминлаш тўғрисида» қарор қабул қилганди. Халқ хўжалиги юкларини манзилларга ўз вақтида етказиш, юқори самарадорликка эришиш, ёнилғи-мойлаш материалларини асраб-авайлаш, тежаш, автотранспорт воситалари имкониятларини бутун чоралар билан рўёбга чиқариш зарурлиги алоҳида уқтирилган ушбу тарихий ҳужжат эндиликда биз учун чинакам дастур бўлиб қолди.

Автокорхонамиз коллективи мазкур қарорни зўр кўтаринкилик билан кутиб олиб, пухта ўрганиб чиқандан кейин янада аҳиллик билан ишлашга аҳд қилди.

Автокорхонамизда ташкил этилган 14 та шофёрлар бригадасида мусобақани жонлантириш йўлида қилинган ишлар бевосита самарадорликни ошириш масалалари билан чамбарчас боғлиқдир. Бригадаларнинг ҳаммасида автомобиллар қувватидан юқори унум билан фойдаланиш, иш вақтини тежаш учун ижодий изланиш. кучайтирилмоқда.

Шуниси қувончлики, автокорхонамизда меҳнатни ташкил этишнинг илғор усули — бригада пудратини жорий этиш йўлида ҳам катта куч сарфланмоқда. Айни пайтда 4 та бригадада ана шундай усул моҳирона қўлланмоқда. Келгусида, шубҳасиз, бундай коллективлар сони тағин ҳам кўпаяди.

Шофёрларимиз ўртасида мусобақа кенг қулоч ёйди. Натижада иш унуми янада ортди, самарадорликни оширишда қувончли ютуқлар қўлга киритилди. Айни пайтда 40 дан ортиқ ҳайдовчимиз ўн биринчи беш йиллик шахсий планларини ҳозироқ бажарганлиги фикримиз далилидир. Улар орасида И. Тўраев, У. Худойбердиев, Ю. Қувондиқов, Ў. Очилов сингари мусобақа пешқадамлари бор.

Беш йиллик маррасидан ўзган шофёрлар юк ташишдагина эмас, автомашиналарни эҳтиёт қилиш, узоқ муддат капитал ремонтсиз бошқаришда ҳам намуна бўлмоқдалар. Ана шундай интилишлар туфайли кейинги пайтларда 21 минг сўмликдан зиёд қимматли ресурслар иқтисод қилинди.

Коллективимиз беш йиллиннинг тўртинчи йилини дадил бошлади. Ҳар бир шофёр иш вақтини тежаш, автомашиналар қувватидан самарали фойдаланиш учун барча чораларни кўрмоқда. Айни пайтда автохўжаликда ташилаётган юкларнинг 70 процентдан зиёдроғи пудратчи бригадалар ҳиссасига тўғри келаётгани, айниқса қувончлидир. В. Барбашин, М. Халилов, М. Қўзиев ўртоқлар бошлиқ бригадалар коллективлари халқ хўжалик юкларини ташишда ана шундай мунаввар манзиллар сари дадил интилмоқдалар.

А. ҚУЗИЕВ,
Самарқанд область Нарпай районидаги 31-автотранспорт корхонаси шофёри.

Филиал ишга тушди

Республикамиз шаҳар ва қишлоқларида етанчи саноат корхоналарининг филиаллари қурилиб ишга туширилмоқда. Натижада кенг истеъмол моллари кўплаб тайёрлаш имконияти юзага келаётир. Жиззахдаги «Партия XXV съезди» номли устки трикотаж фабрикаси Ленин орденли «Москва» колхозида ўз филиалини очди. Ишлаб чиқаришга асосан ёшлар жалб қилинган. Ҳозирнинг ўзидаёқ 100 минг сўмликдан кўпроқ болалар кийимлари тайёрланди. Суратда: корхонанинг бир гуруҳ чеварлари смена олдидан.

Р. Содиқзода фотоси.

МАТБУОТ ОБЗОРИ

МАВЗУ ВА ҲАЁТ

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленумида газета материалларида, муваффақиятларимиз ҳақидаги мақола ва хабарларда илмийлик, ҳаққонийлик, реаллик мужассам бўлиши, лозимлиги таъкидланди. «Бу муваффақиятлар нималардан иборат! Улар исботланганми! Бу ўринда кўзбўямачилик, мақтанчоқлик йўқми! Муваффақиятларга қандай эришилган! Уларни қандай қилиб янада кенгроқ ёйиш мумкин!» — В. И. Ленин матбуот ҳар бир масалага шу тарзда ёндашиши зарурлигини кўрсатиб берган эди. Навоий областидаги район газеталари чорвадорлар фаолиятини ёритишда шу ленинча принципларга қандай амал қилмоқда! Бу соҳадаги ижодий изланишлар зарур самара бермоқдами! Шу саволларга жавоб излаб, район газеталарининг кейинги ойлар таҳламларини варақлаб чиқдик.

Нурота район партия комитети, шунингдек, **«Илғор чорвадор»** газетасининг ҳозирги пайтдаги масъулиятли вазифаларидан бири бутун кучни чорвачиликни интенсив ривожлантиришга сафарбар этишдан иборатдир. Табиийки, бунда коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш, социалистик мусобақани авж олдириш, илғорлар тажрибасини кенг ёйиш муҳим аҳамият касб этади. Газета редакцияси ҳам худди шу масалаларга катта эътибор бермоқда. Мазмунан теран, изчил, ранг-баранг жанрларда ёзилган материаллар газета саҳифаларидан ўрин олмоқда.

Қишлов арафасида «Коммунист» сарлавҳали бош мақола эълон қилинди. Унда чорвачиликда меҳнат қилаётган коммунистларнинг ибратли ишларига баҳо берилиб, партия ташкилотлари олдида турган вазифалар аниқ-равшан кўрсатилди. Бош мақола шу мавзунинг кейинчалик изчил ёритилишини бошлаб берди. Унда илгари сурилган фикрларни бойитадиган, чуқурлаштирадиган мақола ва очерклар, танқидий мақолалар газета саҳифаларидан мунтазам ўрин ола бошлади.

Бу жиҳатдан Т. Ёдгоровнинг «Талабчанлик оширилсин» мақоласи диққатга сазовор. Унда «Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги» совхози «Комсомол» бўлими цех партия ташкилотининг иш услубидаги нуқсонлар атрофлича таҳлил этилади. Бўлим чорвадорлари ўтган йили маҳсулот етиштириш ва давлатга сотиш планларини бажара олишмади. Мақолада оқсашнинг асосий сабабларидан бири — партия ташкилотининг коммунистлар масъулиятини оширишга эътиборни сусайтириб юборганлигида, деб хулоса чиқарилади, бу конкрет факт ва мисоллар билан далилланади. Коммунист Ж. Қосимов, М. Мамараҳимов бошчилигидаги отарлар юксак натижаларга эришаётган бир пайтда Ж. Худойқулов, Х. Қодировлар план-топшириқларни бажаришмаган, ҳатто, молларнинг нобуд бўлишига йўл қўйишган.

Партия ташкилоти эса илғорлар тажрибасини кенг ёймаётир, йиғилишларда коммунистларнинг шахсий ҳисоботини тинглаб бормаётир, қолоқларни илғорлар даражасига кўтариш учун тегишли тарбиявий ва ташкилотчилик ишларини амалга оширмаётир. Натижада бўлим қолоқлар сафига тушиб қолди. Мақола пировардида партия ташкилотининг фаолияти ҳисобот-сайлов йиғилишидан кейин бирмунча жонланганлиги таъкидлаб, уни янада ривожлантиришнинг йўллари кўрсатиб берилади. Тажрибадан маълумки, бундай материаллар доим таъсирчан, нуқсонларни бартараф этишдаги ёрдами катта бўлади.

«Партия турмуши: комитетнинг иш услуби» рубрикаси остида берилаётган бошқа материалларда эса, партия ташкилотлари амалга ошираётган ижобий ишларнинг омили таҳлил этилаётир. Чорвадорларнинг матонатли меҳнати ҳақида ҳикоя қилувчи туркум очерклар, ўзларининг бой тажрибалари билан ўртоқлашган илғор чўпон ва мутахассисларнинг чиқишлари, социалистик мусобақага бағишланган саҳифалар, «Коммунист ва давр» фотосолномаси ҳам қизиқарли, сермазмун.

Қизилтепа район «Қизил тонг», Навоий район «Коммунизм учун» газеталари редакциялари ҳам чорвадорлар фаолиятини ўзига хос услубда ёритишга интилмоқда. Ижодий коллективларнинг изланишлари самарасиз қолмаяпти. Чорвачиликнинг актуал масалаларига бағишланган «Давра столи» атрофидаги суҳбатлар, тематик саҳифалар жонли, таъсирчан чиқишига эришилмоқда.

Афсуски, бошқа район газеталари ҳақида бундай фикрларни билдириш қийин. Улардаги чорвачиликка доир кўп мақола ва корреспонденциялар тумтароқ, бир қолипда. Кўпгина материаллар сийқа жумла ҳамда фикрларнинг қайтариғидан иборат бўлиб қолмоқда. Баъзан актуал темаларга унинг моҳиятини чуқур англамасдан қўл уриш ҳоллари юз бераётир. **Навбаҳор район «Навбаҳор тонги» газетаси** бутун бир саҳифани чорвачиликда бригада пудратининг қўлланишига бағишлаган. Лекин коллектив бу масалага пухта тайёргарлик кўрмасдан киришганлиги кўриниб турибди. Саҳифадаги «Тадбиркор чўпон ҳузурида» сарлавҳали корреспонденцияда экономист билан чўпон яйловга отланишади. Икки чўпон меҳнат қилаётган отарга етгунча, бригада пудратининг афзаллиги тўғрисида ғализ, зерикарли, факт ва далилларга асосланмаган суҳбат қуриб боришади. «Отаримизда бригада пудрати ташкил қилинганлиги яхши бўлди, — дейд чўпон уларга, — Бизга яхши иш шароити яратилди, вақтида дам оладиган бўлдик. Ҳар биримизнинг маошимиз аниқ белгиланган. Ўртада меники-сеники йўқ, баравар югурамиз».

Қизиқ, бунинг нимаси бригада пудрати экан? Масаланинг моҳиятини журналист тушунмаганми, экономистми ё чўпон? Икки киши меҳнат қиладиган, қўйларнинг сони 437 бош бўлган отарда қандай қилиб нарядсиз усулда ишлайдиган бригада тузиш мумкин? Аслида бу звено эмасми? Ёки бригада пудратининг моҳияти ойликнинг аниқлиги билан ўлчанадими? Табиийки, муҳим масалага юзаки ёндашганлик оқибатида газетхонларда шу сингари саволлар туғилади?!

Юқоридаги фикрлар **Хатирчи район «Янги ҳаёт», Конимех район «Коммунистик енбек», Томди район «Социалистик чорвачилик» газеталарига** ҳам тегишли. Бу газеталар ҳам чорвачиликни интенсив ривожлантиришга ёрдам берувчи фан-техника ютуқлари ва илғор тажрибани кенг ёйишга, чўпонларнинг матонатли ва жасоратли меҳнатларини ёркин бўёқларда акс эттиришга кам эътибор бермоқда. Ибратли ишлар моҳияти, юксак фазилатли кишилар образи кўпинча факт ва рақамларнинг қуюқ соясида кўринмай қолаётир. Фикран саёз, янгилик бермайдиган мақола ва хабарларга кўп жой ажратилгани ҳолда, бу газеталар саҳифасида қаллоблик, бюрократлик, камчилик ва нуқсонлар фош этилган танқидий материаллар онда-сондагина «меҳмон» бўляпти.

Чорвачилик — зардор фронт. Бу соҳа ҳар бир кишидан ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилишни, қийинчиликларни матонат билан енгишни, партия, совет ва бошқа жамоат ташкилотларидан ишни маҳорат билан ташкил этишни талаб қилади. Уларнинг руҳини, ташкилотчилик қобилиятини кўтаришда, янги ғалабаларга сафарбар этишда, камчилик ва нуқсонларни бартараф этишда матбуотнинг роли, қудрати катта. Чунки, инсонга сўздан ҳам кучли таъсир кўрсатувчи нарса йўқ. Шундай экан, редакцияларнинг ижодий коллективлари матбуотда эълон қилинаётган ҳар бир сўзга масъулият билан ёндашишлари, ўз ишларини КПСС XXVI съезди, партиямиз Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорлари асосида ташкил этишлари лозим.

Қўзилатиш кампаниясини пухта тайёргарлик билан бошлаб юбораётган фидокор чўпонлар ҳақида жўшиб-тошиб ёзайлик, уларни мусобақада байроқдор бўлишга руҳлантирайлик.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

● Беруний пахта тозалаш заводи — райондаги йирик саноат корхоналаридан бири. Завод коллективи ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилида 47 миллион 150 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилган. Бу ерда меҳнат унумдорлигини планга қўшимча 1 процент ошириш ва маҳсулот таннархини пландан ташқари 0,5 процент камайтириш ҳисобига 700 минг сўмлик соф даромад олиш кўзда тутилган.

Пахта тозаловчилар бугунгача 10 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилишди. Эришилган ютуқда Холбой Ёқубов, Рўзимбой Тожибоев ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг муносиб ҳиссаси бор. Коллектив йиллик план-топшириқларини Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллиги юбилейига қадар бажариш мажбуриятини олган.

Ю. БЕКМУРОДОВ.

ЮКСАК УНУМ БИЛАН

● Андижондаги 162-қурилиш трестига қарашли 1-бинокорлик бошқармаси меҳнат коллективлари ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақада II даражали Шуҳрат ордени кавалери, ВЦСПС Марказий Комитети Президиуми аъзоси Ўринбой Режибоев бошлиқ монтажчилар бригадаси пешқадамлик қилмоқда. Коллектив Андижон ип газлама комбинатининг зардор қурилиш объектларида юксак унум билан ишлаб, кунлик план-топшириқларини 140-150 процент адо этяпти.

Ўн биринчи беш йиллик бошидан буён 2 миллион 428,9 минг сўмлик бунёдкорлик ишларини амалга оширган илғор бригаданинг меҳнат календарида 1986 йил ҳисоби очилди.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

АҲДГА ЯРАША

● «Ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилида пландан ташқари 18 минг тонна юк ташиб, 500 минг тонна-километр иш бажарамиз. 4,4 минг сўмлик автомобиль шиналари, 7,5 минг сўмлик ёнилғи-мойлаш материаллари ва 8,5 минг сўмлик электр энергияси тежаб қолиш йўли билан юк ташиш таннархини 1,4 процентга камайтиришга эришамиз».

Қашқадарё область Муборак районидаги 101-автокорхона коллективининг аҳди шундай. Автотранспортчиларнинг шу кунлардаги меҳнат ғайрати ва эришаётган ютуқлари аҳдга яраша бўляпти. Улар йилнинг ўтган 2,5 ойи даврида 500 минг тоннадан кўпроқ халқ хўжалик юкларини белгиланган манзилларга барвақт етказиб беришди. Салкам 10 миллион тонна-километр иш бажарилди. Буларнинг ҳаммаси пландагидан анча ортиқдир.

Н. ТОҒАЕВ.

* * *

Шунингдек андижонлик **Ю. Султонов, Р. Эминов, М. Мирзаабдуллаев**, тошкентлик **Р. Булатов, Л. Березовский, В. Дворовенко**, фарғоналик **А. Қутбиддинов, Ў. Халилов, Ҳ. Мирзапўлатов**, бухоролик **М. Ражабов, Ф. Шодиев**, хоразмлик **С. Ёқубов**, наманганлик **Б. Қўшмонов**, самарқандлик **М. Рустамов** ўртоқлар ҳам республикамиз меҳнат коллективларида эришилаётган ютуқлар ҳақида хат-хабарлар йўллашган.

ФАКТ ВА ШАРҲ

ЛИНИЯДА — ТЕЛЕКОНТРОЛ

Қорақалпоғистон электр тармоқлари корхонаси қўшимча ускуна харид этиш ва ўрнатишга атиги бир неча минг сўм сарфлаб, эндиликда ҳар йили 100 минг сўмдан тежаб турадиган бўлади. Бу ерда ишга тушириллган электр линияларини контрол қилиб турувчи телемеханик сигнализация системасининг иқтисодий самараси шунча. Система линиядаги барча носозликлар тўғрисида бир неча секундда марказий диспетчерлик бошқариш пультига хабар қилади. Бу нарса электр тармоқларидаги узилиш ва бошқа носозликларни тузатиш вақтини бир неча баравар камайтиришга имкон берди, саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалигини энергия билан таъминлаш пухталигини оширди.

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги гидроэлектр станциялари ва электр тармоқлари бош бошқармасининг бошлиғи Г. И. ВАРВАРИН шу хабарни шарҳлаб бундай деди:

— Энергетикада телемеханика кўпдан бери қўлланиб келади. Электр станцияларда кўпгина технологик жараёнлар телеконтрол қилиниб туради. Масалан, Чирчиқдаги Бўзсув каскадида айрим ГЭСларнинг ишини кузатиб бориш тамомила телемеханика зиммасига топширилган.

Телеконтрол системаси электр линиясининг бирон жойидаги носозликни дарҳол билишга имкон беришидан ташқари унинг қаерда эканлигини аниқ кўрсатади. Ҳозирга қадар бу иш бирмунча мураккаб эди. Эндиликда ремонтчилар бригадаси телемеханика кўрсатиб берган конкрет адресга жўнаб кетади. Бинобарин, носозликларни кузатиш вақти анча қисқаради. Шу билан электр тармоқлари корхоналарининг олдида турган асосий вазифа — истеъмолчиларни энергия билан тўхтовсиз таъминлаб туриш вазифаси ҳал этилади. Ишлаб чиқариш цикли узлуксиз бўлган корхоналар — химия, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалигида, масалан бройлер фабрикаларида бу айниқса, муҳим. Бундай фабрикада машина-ускуналарнинг кўзда тутилмаган тўхташи жуда катта нобудгарчилик келтиради. Шундай тўхташлар нечоғли қисқа бўлса нобудгарчилик ҳам кам бўлади, албатта. Хуллас, телеконтрол харажатлари бир неча бор қопланади.

Ҳозир бу системалар Қорақалпоғистондан ташқари Хоразм, Жиззах дашти электр линияларида ҳам жорий этилмоқда. Яқин йиллар ичида республика территориясидаги бутун электр тармоқлари телемеханика «назоратида» бўлади. Бу нарса халқ хўжалигига катта иқтисодий самара келтиради. (ЎзТАГ).

ИЖТИМОИЙ ВА ШАХСИЙ ЭҲТИЁЖЛАР

Ривожланган социализм тараққиётининг туб масалаларидан бири ижтимоий ва шахсий эҳтиёжлар проблемасидир. Ижтимоий ва шахсий эҳтиёжлар ҳақидаги масала ҳам назарий, ҳам амалий қимматга эгадир.

Ижтимоий ва шахсий эҳтиёжлар проблемаси, биринчи навбатда, турмуш фаровонлиги, шахс камолоти, жамиятнинг иқтисодий ва маънавий қудрати билан чамбарчас боғлиқдир. Партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги, совет халқининг фидокорона меҳнати ва жасорати ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни тўлароқ қондириш имкониятини бермоқда.

Ижтимоий ва шахсий эҳтиёжлар проблемасига бағишлаб кўплаб илмий-тадқиқот ишлари қилинган. Бу проблема философларни ҳам, иқтисодчиларни, тарихчи, педагог, психологларни ҳам қизиқтириб келган. Аммо бу соҳада ўзбек тилида, Ўзбекистон материаллари асосида ёзилган ишлар жуда кам деса бўлади. Ушбу мақолада ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларнинг ўзига хос томонлари ва уларнинг бирлиги, оқилона эҳтиёжларни шакллантиришнинг объектив ва субъектив омиллари ҳақида баъзи мулоҳазаларимизни айтиб ўтмоқчимиз.

Биз кундалик турмушимизда, матбуотда, йиғинларда «эҳтиёж» сўзини кўп ишлатамиз. Бир қарашда бу сўзнинг маъноси оддий ва кўпчиликка тушунарли. Аммо илмий нуқтаи назардан бу тушунча мураккаб ва кўп қирралидир. Жамият тараққиёти ҳам, шахс камолоти ҳам, ишлаб чиқаришнинг илгарилаб бориши ҳам кўп жиҳатдан мана шу тушунчани тўғри ва илмий ишлаб чиқиш ва кишилар онгига сингиришга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам партия XXV, XXVI съездлари материалларида, КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари қарорларида бу проблемага катта эътибор берилган. Бинобарин, оқилона эҳтиёжларни шакллантириш масаласи шу кунларнинг актуал проблемаси бўлиб турибди.

Аввало, шахсий эҳтиёжлар ҳақида тўхтайлик.

Буржуа философлари, тарихчилари, иқтисодчилари СССРдаги шахсий эҳтиёжлар ва уларнинг қондирилишини бир ёқлама, нотўғри характерлайдилар. Улар марксизм—ленинизм таълимоти шахс эркинлигини тан олмайди, шахс эҳтиёжларини жамият эҳтиёжларига тўла-тўкис бўйсундиради, деб даъво қиладилар. Уларнинг фикрича, совет жамиятида шахс ўз эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга эмасмиш. Ваҳолонки, марксизм-ленинизм жамиятда шахсий ва ижтимоий эҳтиёжлар ўртасида катта зиддиятлар борлигини кўрсатиб, шахснинг жамиятдан «бегоналашиб», узоқлашиб бориши сабаблорини исботлаб берганлар. Хусусий мулкчилик ва эксплуатация шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни бир-биридан ажратиб юборади, улар ўртасига ғов солади, шахснинг ўз эҳтиёжларини қондиришга қаратилган барча ҳуқуқларини поймол қилади.

Социалистик жамиятда ҳудди мана шу ғовга, тўсиққа барҳам берилади. Хусусий мулк ва эксплуатациянинг тугатилиши жамият билан шахс ўртасидаги қарама-қаршиликни бартараф қилди. Шунинг учун ҳам социалистик жамиятда шахсий ва ижтимоий эҳтиёжлар бири иккинчиси билан боғлиқ ҳолда, бир-бирини тўлдириб, намоён бўлади. Лекин бундан социализмда ҳеч қандай зиддиятлар қолмади, деган хулоса келиб чиқмайди. Социализмнинг ўзига хос зиддиятлари, қийинчиликлари борки, уларни тўғри тушуниш ва бартараф қилиш тараққиётимизнинг янада жадал юксалишига ёрдам беради. Жамиятни одамлар яратади, барча зиддиятлар одамлар ҳаёти билан, кишиларнинг шахсий эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлади. Демак, шахсий эҳтиёжларни оқилона ривожлантириш ва уларни реал қондириш мавжуд зиддиятларни бартараф этишнинг самарали йўлидир.

Советининг тўққизинчи сессияси материалларига бир назар солайлик. 1984 йилги планга халқнинг турмуш даражасини оширишга доир кўпдан кўп тадбирлар киритилган. Аҳоли жон бошига реал даромадлар 1983 йилдаги 2 процент ўрнига ва беш йиллик планда 1984 йил учун кўзда тутилган 3,1 процент ўрнига 3,5 процент кўпаяди. Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 185,5 сўмга етказилади ёки 2,2 процент ортади, колхозчиларнинг ўртача меҳнат ҳақи 142,2 сўмни ташкил этади ва 3 процент кўпаяди. Ижтимоий истеъмол фондлари 139,5 миллиард сўмга етади ва 1983 йилга нисбатан 3,7 процент кўпаяди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 5,4 процент, маиший хизмат ҳажми 8,5 процент кўпаяди. 1984 йилда уй-жой қурилиши жадал ўстирилади, олий ва ўрта ўқув юртлари 2 миллиондан кўпроқ мутахассис тайёрлайди, 818 минг ўринли умумий таълим мактаблари қуриб битказилади.

Шахсий эҳтиёжларнинг ривожланишида бирор бир чегара, меъёр борми? Шахсий эҳтиёжларнинг ривожланиши ва кенгайиб боришида шу эҳтиёжларнинг жамият томонидан нечоғли қондирилиши имкониятлари ана шу чегара, меъёрдир. Агар шахсий эҳтиёжлар жамиятдаги имкониятлардан ошиб кетса, унда шахс ўз эҳтиёжларининг нормаларини онгли равишда чеклаши керак. Демак, шахс ўз эҳтиёжларининг ривожланиши ва кенгайишига онгли муносабатда бўлиши, яъни онг, тафаккур эҳтиёжларни бошқариши лозим. Акс ҳолда, нормал эҳтиёжлар кўпайиб кетиб, бундан шахс ҳам, жамият ҳам, албатта, зарар кўради.

Ҳар бир одам жамиятда яшар экан, у шу жамиятдан ташқарида бўлиши мумкин эмас. Аслини олганда ижтимоий муносабатларни яратувчилар ҳам инсонлардир. Шунинг учун одамларда шахсий эҳтиёжлар билан бирга объектив равишда ижтимоий эҳтиёжлар ҳам бўлади. Ижтимоий эҳтиёжлар асосида меҳнат фаолияти ётади. Меҳнатга муносабат орқали ҳар бир одам ўзида ижтимоий эҳтиёжларнинг нечоғли шакллганлигини кўради. Ўз шахсий эҳтиёжларини қондириш учун қилинган меҳнат ижтимоий эҳтиёж касб этмаса жамият тараққиётига путур етади.

Жамият манфаатини кўзлаб меҳнат қилиш, социалистик жамият кишисининг ажойиб ҳислатидир. Биз қилаётган меҳнатнинг бир қисми жамият равнақи йўлида сарфланар экан, бундан афсусланмаймиз, балки хурсанд бўламиз, чунки жамиятимизнинг равнақ топиши ва ривожланиши бизнинг эҳтиёжларимизни қондиришнинг гаровидир. Социалистик мусобақа пешқадамлари худди шу ният билан ўз куч-қувватларини аямай меҳнат қиладилар.

Шу йил январь ойида бўлиб ўтган ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси қабул қилган қарорлар халқнинг фидокорона меҳнатига асослангандир. Ўтган 1983 йилда республикамизда улкан муваффақиятлар қўлга киритилди. Саноат маҳсулотининг ҳажми 5,1 процент кўпайди. Пахтакорлар мураккаб шароитда 5 миллион 930 минг тонна пахта етиштирдилар, ғаллакорлар 3 миллион 341 минг тонна дон сотдилар. Ижтимоий истеъмол фондлари 18,3 процент, аҳолининг реал даромадлари 7,7 процент кўпайди.

Бирорта ҳам капиталистик мамлакатда бундай кўрсаткичларни топиш қийин. Чунки капитализмда шахсий ва ижтимоий эҳтиёжлар доимо бир-бирига қарамақарши туради. Капиталист ишчини икки марта ортиқроқ ишлашга мажбур қилар экан, бундан у фақат битта мақсадни — кўпроқ фойда олишни ўйлайди. Аммо ишчи бу фойда ҳақида ўйламайди, чунки унга бу фойдадан ҳеч қанақа наф йўқ, шунинг учун жамият йўлида қилинган меҳнат унинг учун эркин, виждондан қилинган меҳнат эмас, балки мажбуран қилинган эрксиз меҳнатдир. Бизнинг жамиятимиз одамлар меҳнатдан қанча кўп фойда олса, у шу фойдани яна одамлар манфаати йўлига сарфлайди. 1984 йилда республика халқ хўжалигининг барча тармоқларида ҳаммаси бўлиб 2 миллиард 515,7 миллион сўм фойда олиш мўлжалланган. Бу — 1983 йилда олинган фойдадан 9,4 процент ортиқдир. Бу фойда биринчи навбатда меҳнат унумдорлигининг муттасил ошиб бориши эвазига эришилади.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) Пленумида муҳим бир ташаббус олға сурилди. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент ошириш, маҳсулот таннархини эса 0,5 процент камайтириш ҳақидаги ватанпарварлик ташаббуси ҳозирги вақтда бутун мамлакатимизда бўлганидек, республикамиз меҳнат аҳли томонидан қизғин қўллаб-қувватланм о қ д а. **«Биз меҳнат унумдорлигини пландан ташқари бир процент ошириб, салкам 140 минг сўм фойда оламиз, кўплаб хом ашё, бўёқ, электр энергиясини тежаб қоламиз, маҳсулот таннархини қўшимча ярим процент камайтириб, корхонанинг ҳам, ишчи-хизматчиларнинг ҳам моддий манфаатдорлигини оширишга эришамиз»** — дейди Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли Наманган шойи газламалар комбинати илғор ишчиси Мелихон Абдуллаева.

Одамларда оқилона эҳтиёжларнинг шакланиши учун нима ишлар қилмоқ керак? Биринчи навбатда, Совет кишиларининг дунёқарашлари, тушунчаларини тўғри шакллантирмоқ зарур.

Ер юзида бир миллиардан ошиқроқ одам ўзининг элементар ҳаётий эҳтиёжларини ҳам қондириш имкониятга эга эмас. Капиталистик дунёда минглаб, миллионлаб оч-ночор одамлар яшайди. Бизнинг мамлакатимизда бундай аҳволга йигирманчи йиллардаёқ барҳам берилган. Ҳозир биз эришиб турган тараққиёт ўн йиллар давомида барча меҳнаткашларнинг тинимсиз меҳнатлари, бутун жисмоний ва маънавий кучни ишга солиб фидокорлик кўрсатишлари натижасида қўлга киритилган. Ватан, халқ бойлигини асраб авайлаб, ундан фойдаланиш ва уни янада кўпайтириш йўлларини ўйлаш ҳар бир виждонли совет кишисининг қалб амридир.

А. ЭШОНҚУЛОВ.
философия фанлари кандидати, доцент.

СИЁСИЙ СУҲБАТЛАР

ЧОРВАЧИЛИК—ЗАРБДОР ФРОНТ

МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

Қоракўлчилик мамлакатимиз чорвачилигининг муҳим тармоғи бўлиб, Ўзбекистон унинг асосий базаси ҳисобланади. Республикамиз олимлари ва чўпонларининг кўп йиллик самарали изланишлари натижасида қора, кулранг, сур, оқ ва қизғиш рангли қоракўл тери олинадиган қўйларнинг ўн тўққиз хил маҳсулдор турлари яратилди. Қорақалпоғистон ва Сурхондарёнинг наслдор, сержило тери берадиган қоракўл қўйлари боқиладиган ихтисослаштирилган хўжаликлар ташкил этилди. Ҳозир 16 та наслчилик заводи ва тўртта наслчилик хўжалиги ишлаб турибди.

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА қоракўлчиликни илмий-техника ютуқлари асосида реконструкциялашга катта эътибор берилди. Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш тугалланди. Моддий-техника таъминоти яхшиланди. Суғориладиган ерлар унумдорлигини ошириш ҳисобига озуқа базаси мустаҳкамланди.

Ҳозир чорвадорлар яйлов ва хўжаликлараро комплексларда қоракўлчилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда меҳнатталаб жараёнларни механизациялашнинг илғор технологиясидан фойдаланишлари мумкин. Шундай қилиб, қоракўлчиликни илмий-техника ютуқларига асосланган янги босқичга кўтариш учун барча имкониятларга эгамиз.

Шунга қарамай, қоракўлчиликда бу имкониятлардан тўла фойдаланилмаётир. Хўжалик юритишнинг экстенсив формалари, меҳнатни ташкил этишнинг эскирган йўллари ва усуллари ҳамон сақланиб қолмоқда. Қўйларни парваришлаш ва қўзилатиш бундан ўттиз йиллар илгари бўлганидек олиб бориляпти. Қўйлар маҳсулдорлиги паст, қўчқорлардан самарали фойдаланилмаяпти. Ишлаб чиқаришда совлиқлардан фойдаланиш муддати белгиланганидан икки марта кам. Яйлов ва озуқа базасини ҳисобга олмасдан туриб, маҳсулот тайёрлаш планларини асоссиз белгилаш ҳоллари содир бўлмоқда. СЖК препаратидан оммавий фойдаланишга йўл қўйиляпти.

Ҳозир республикамизда ҳар бир қўй ҳисобига 0,5 та қоракўл тери, 3 килограмм жун ва 10 килограмм гўшт етиштириляпти. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархининг юқорилиги совхозлар оладиган фойдани камайтириб юбормоқда. Бу тармоқ самарадорлигини пасайишига олиб келяпти. Шу туфайли меҳнат унумдорлиги пастлигича қолмоқда. Тери турлари ва сифатини оширишга алоҳида аҳамият бериш лозим. Умум ишлаб чиқаришида харид нархлари паст, майда терилар 13 процентни ташкил қилмоқда. Бу топширилаётган териларнинг ўртача харид нархига салбий таъсир кўрсатяпти.

Илмий изланиш ва тажрибалар қоракўл қўйларнинг генетик имкониятлари улардан етарли миқдорда сифатли тери, жун, гўшт олиш ва подани янгилашнинг зарур суръатини таъминлаш мумкинлигини исботлайди. Аммо бу фақат қўйларнинг наслигагина эмас, балки уларни парваришлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясига риоя қилишга ҳам боғлиқ. Бу маҳсулотни реализация қилишни тезлаштириши ҳам, унга тўсиқ бўлиши ҳам мумкин. Афсуски, ҳозир бу имкониятдан 75—80 процент фойдаланиляпти, холос.

Илмий изланиш ва тажрибаларнинг кўрсатишича, қоракўлчиликнинг самарадорлиги подадаги совлиқлар сонига кўп жиҳатдан боғлиқ. Подада совлиқлар салмоғи 70 процентни ташкил этганда энг мақбул ҳисобланади. Республикамизда бу кўрсаткич кейинги йилларда 55 — 60 процентдан ошмаётир. Бу йилига 250 — 300 мингта кам қўзи олиняпти, деган гапдир.

ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАРИНИНГ юқори маҳсулдорлигини таъминлайдиган поданинг энг яхши структурасига эришиш учун туғилган қўзилар, айниқса уларнинг урғочиларини асраб қолиш, намунали парваришлаш, совлиқлар подасини асраш, улардан фойдаланиш муддатини узайтириш зарур. Бунга нима ҳалал беряпти, деган ҳақли савол туғилиши мумкин.

Қоракўлчиликда қарор топган анъанага кўра, қўзилатиш асосан март ойининг иккинчи ярми ва апрелнинг бошларида ўтказилади. Кўпинча қўзиларни ўстиришга қолдириш май ойларида ҳам давом этади. Шунга қарамай қўзиларга мослаштирилган жойларнинг етишмаслиги, иш кўнгилдагидек ташкил этилмаганлиги натижасида об-ҳаво ноқулайликлари юз бергудек бўлса, кўплаб қўзилар нобуд бўляпти. Натижада хўжаликлар қоракўл тери, жун, гўшт етиштиришда кўзланган маррани эгаллай олмаяптилар. Апрель ва май ойларида туғилган қўзилар иссиқ кунлар бошланиши билан ўсишдан орқада қолади. Бу чорвадорлардан катта меҳнат ва сарф-харажат талаб қилади.

Бизнинг фикримизча, қоракўл қўйларни эрта қўзилатишга эришмоқ даври келди. Бу, албатта, чўпон отарларини етарли миқдорда иссиқ кошарлар, бинолар, механизм-агрегатлар, асбоб-ускуналар билан таъминлаш ҳамда етарли миқдорда озуқа ва омихта ем жамғаришни талаб қилади. Эрта туғилган қўзилар онаси билан протеин, витамин ва минерал моддаларга бой бўлган баҳорги яйлов ўтларидан озиқланса, бақувват, маҳсулдор бўлиб ўсади. Бундай қўзилардан кўпроқ жун олинади. Агар зооветеринария қоидалари асосида парвариш қилинса, эрта туғилган қўзиларнинг 50 — 60 процентини кузда қочириш мумкин.

«Қарноб» давлат наслчилик заводида ўтказилган тажрибалар эрта туғилган қўзилар яхши ўсиши ва онасидан ажратилгандан сўнг 2—2,5 ой ўтгач, уларнинг вазни 38—40 килограммга етишини кўрсатди.

Бу йил кўпчилик қоракўлчилик хўжаликларида қўзилатиш 5—10 кун илгари бошланяпти. Лекин баҳорнинг кеч ва совуқ келиши қўзилатиш ишларини анча қийинлаштиради. Тирик, соғлом қўзи олиш ва уни тўла сақлаб қолиш учун қўшимча одам ресурсларини жалб этиш, запас озуқалардан рационал фойдаланишни талаб этади.

Шу билан бирга наслчилик хўжаликларида СЖК препаратини қўлланиш тақиқланганлигига қарамай, маълумотларга кўра, 1983 йилда совлиқларни қочириш даврида ундан республикадаги барча давлат наслчилик хўжаликлари ва наслчилик фермаларида кенг қўлланилган. Бу ўтган йиллардагидек қўзилатиш даврида кўплаб эгиз қўзилар олиш ҳисобига уларнинг яшовчанлигининг камайиши, оммавий нобуд бўлиши, қўзиларни ўстиришга қолдириш планларининг бажарилмаслиги, териларнинг сифати пасайиши, подага маҳсулдорлиги паст жониворлар аралашиши хавфини туғдирмоқда.

ҚЎЗИЛАТИШ мавсумига пухта тайёрланиш, ташкилий-хўжалик тадбирларни тўғри ўтказиш керак. Биринчи навбатда биноларни яхшилаб тайёрлаш, кошарлар ичида бўғоз ва қўзилаган совлиқлар ҳамда қўзичоқлар учун махсус иссиқ, қуруқ жойлар ажратиш лозим. Қўзилар ва совлиқларнинг 3—5 кунгача иссиқ хоналарда асралиши мақсадга мувофиқдир. Юқори сифатли озуқа ва аралаш озуқалар, сув тайёрлаб қўйиш талаб этилади. Туғиши яқинлашиб қолган совлиқларни подадан ажратиб, қўзилатиш хоналарига ўтказиш жуда муҳимдир. Совлиқларнинг асосий қисми (80 процентигача) тунда қўзилашини ҳисобга олиб, бу даврда навбатчилар ажратиш керак.

Қўзиларнинг ўстиришга қолдирилиши ёки тери учун сўйилишидан қатъи назар биринчи куни она сути билан боқиш лозим. Бу қўзиларни нобуд бўлмаслигини таъминлаш билан бирга, юқори сифатли қоракўл тери олишга имкон яратади. Агар совлиқ камсут, камқувват бўлса ёки сут бермаса қўзичоқни боласи сўйилган совлиқ сути билан эмизиш керак. Кўпинча қўзилар тери учун сўйилади, деб бунга унча эътибор берилмайди. Шуни унутмаслик керакки, мавсумнинг дастлабки икки декадасида туғилган қўзиларни ўстириш қолдириш юқорида айтганимиздек катта аҳамиятга эгадир.

Совлиқлар ва қўзичоқларни яхши парваришлаш учун улардан кичик группалар — сақмонлар ташкил этилади.

Бир суткада туғилган барча қўзилар оналари билан биргаликда махсус группани (кичик сақмон) ташкил этади. Бу сақмон қўзилар бонитировка қилингунча сақланади.

Қўзилар бонитировка қилингач, наслга қолдирилганлари онаси билан ўрта сақмонга ўтказилади. Бу группа 3—10 кунлик 50—60 та қўзидан ошмаслиги керак. 10—15 кунлик 125—150 қўзидан отарлар ташкил этилади ва улар онасидан ажратилгунча совлиқлар билан бирга бўлади.

Ривожланиши суст бўлган қўзилар ёшидан қатъи назар алоҳида группани ташкил этади. Кичик сақмонлар бинолар яқинида сақланади. 15—20 кунликдан ортган қўзилар тунги яйловга чиқарилади.

Бу даврда қўзичоқлар бақувватлашиб, яйловдаги озуқаларни териб ея бошлайди. Қўзилатишни муваффақиятли ўтказиш тирик қўзи олиш ва чиқимга йўл қўймаслик учун бўғоз совлиқларни таркибида 2—2,3 озуқа бирлиги ва 200 граммгача хазм бўладиган протеин бўлган ширали озуқалар билан боқиш катта аҳамиятга эга. Уларни суғоришни тўғри ташкил этиш керак.

Қўзилатиш мавсумида тери тайёрлаш узлуксиз иш жараёни ҳисобланади. Бунда қўзиларни отарлардан олиб чиқишдан бошлаб териларни заводга топширгунча бўлган барча ишларни технология талаблари асосида бажариш лозим. Қўзиларни отарларда сўйишга мутлақо йўл қўймайлик. Улар фақат махсус марказлашган пунктларда сўйилсин.

Қоракўлчилик хўжаликларида майда, сифатсиз, стандартга мос келмайдиган йиртиқ терилар ҳам планга ўтказиляпти. Қоракўл ишлаб чиқаришни планлаштириш ва чорвадорлар меҳнатини рағбатлантиришда фақат сифатли тери топшириш асосий мезон бўлмоғи керак. Бизнинг фикримизча, ҳозир қайта кўриб чиқилаётган ГОСТларда терилар ҳажми ва сифатини оширишга талабни кучайтириш лозим.

Қўзилатиш мавсумини пухта ўтказиш, соғлом қўзилар олиш ва уларни тўла асраб қолиш кўп жиҳатдан чўпонлар ва ёрдамчилар меҳнатига қандай ҳақ тўланишига боғлиқ. Баъзан чўпонлар меҳнати ҳар 100 бош совлиқ ҳисобига олинган қўзи, топширилган тери сонига қараб белгиланяпти. Ўстиришга қолдирилган қўзиларнинг жинси ва териларнинг сифатига эътибор берилмаётир. Чўпонларни моддий ва маънавий рағбатлантиришда олинган қўзи сони билан бир қаторда ўстиришга қолдирилган қўзилар, айниқса, урғочиларини тўла сақлаб қолиш ва яхши парваришлаш ҳисобга олинмоғи керак.

Чўпонларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш учун хўжаликларда, айниқса, наслчилик хўжаликларида амалдаги тариф ставкаларига кўра иш ҳақи фондини биринчи сортли, ҳажми катта тери олгани учун 25 процентгача, юқори классли урғочи қўзилар ва наслли эркак қўзи парваришлагани учун 20 процентгача, тирик қўзи олинганлиги учун 15 процентгача, жун учун 25 процентгача, қўйлар тирик вазнини ўстиргани учун 15 процентгача миқдорда тақсимлаш мақсадга мувофиқдир.

С. АСОМОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвадор, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.
Н. ЗУЛФИДДИНОВ,
«Узкаракульпром» бошлиғи.

ЯНГИЛИКЛАР

ОТАРЛАРДА ҚЎЗИЛАР КЎПАЙМОҚДА

● Қашқадарё областидаги «Ғузор» давлат наслчилик хўжалигида Ленин орденли Ч. Раҳимовнинг қоракўл қўйлар отарида дастлабки қўзилар туғилди. Унинг боқимидаги ҳамма жониворлар қишдан бақувват чиқди. Бу эса бу йилги қўзилатиш кампанияси муваффақиятли ўтишидан дарак беради.

Меҳнат Қизил Байроқ ва Халқлар дўстлиги орденларининг нишондори Р. Норбўтаев отарида ҳам қўзилатиш бошланди. «Ғузор» давлат наслчилик хўжалигида 66 минг бош қўй бор. Бу йил улардан кўп қўзи олиш мўлжалланмоқда.

ТРАКТОРЛАРНИ ЁШЛАР БОШҚАРАДИ

● Ўрта мактабни битирганлардан йигирма нафаридан кўпи илк бор тракторларни Ильич районидаги Волков номли совхоз далаларига чиқаради ва ўзларининг меҳнат таржиман ҳолида экин-тикин ҳисобини очади. Улар трактор тузилишини ва уни ҳайдаш қоидаларини яхши ўрганиб чиқишдан ташқари, техника ремонтида актив қатнашдилар. Янги ҳайдовчиларнинг ҳаммаси комсомол-ёшлар бригадаларининг составига киритилди. Улар экишда ипатово额ликлар методи билан ишлайдилар.

— Йигитлар зиммасига катта масъулият тушади, — деди ёшлар коллективининг бригадирларидан бири Нуриддин Суяров. — Лекин улар техника ремонтида виждонан ишладилар, тажрибали механизаторлардан кўп нарсани ўргандилар.

Сирдарё областида жами 200 га яқин комсомол-ёшлар отрядлари тузилди. Бу бултургидан анча кўпдир. Уларнинг кўпчилиги бригада пудрати асосида ишлашга ўтди.

(ЎзТАГ).

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

БЕДАПОЯЛАР КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА

Риштон районидаги «Сўх» совхози меҳнаткашлари беда экишни тугалладилар. Улар яхши тайёрлаб қўйилган юз гектар майдонга республика селекциячилари яратган қимматли районлаштирилган беда навларини экдилар. «Ленинград» совхози деҳқонлари ҳам ҳамма ерга қисқа муддатларда планда кўзда тутилган бедани экиб бўлишди. «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» ва «Партия XXV съезди» совхозларининг ем-хашак тайёрловчи бригадалари ҳам беда экишни уюшқоқлик билан ўтказишмоқда.

Фарғона области колхоз ва совхозларида беда экиш қизғин олиб бориляпти. Фарғона, Бағдод районларида ўтган йилга нисбатан анча кўп беда экилди.

НОВАТОРЛАР ҲИССАСИ

«Госкомсельхозтехника» Қўрғонтепа район бирлашмаси ремонт устахонасида бўялган машина-механизмларни қуритиш ишлари икки баравар тезлаштирилди. Слесарлар С. Юсупов, А. Санжаров, инженер Р. Фатхуддиновнинг таклифи туфайли ана шундай самарага эришилди.

Турли механизмлар илгари бўялганидан кейин очиқ майдонда қуритилар эди. Эндиликда новаторлар яратган электр печь ёрдамида ишлар амалга оширилмоқда. Натижада иш суръати жадаллашибгина қолмай шу билан бирга ремонтчиларнинг меҳнат шароити ҳам яхшиланди.

Ремонт устахонасининг ишчи-хизматчилари янгиликлар яратиш йўлида тинмай изланишмоқда. Бу йил улар 14 та рационализаторлик таклифини ишлаб чиқаришга жорий этадилар. Бу билан 13 минг сўмлик иқтисодий самара олинади.

ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ

Москва районидаги «Ленинизм» колхозининг пахтакор ва чорвадорларига 10 та коттежнинг калити тантанали суръатда топширилди.

«Андижаноблколхозстрой» трестига қарашли колхозлараро механизациялашган кўчма колонна коллективи янги уйларни бунёд этишда колхозчиларнинг ўзлари танлаган лойиҳадан фойдаландилар. Ҳар бир коттежда тўртта хона бор, ошхона алоҳида жойлашган. Чорва молларини боқиш учун эса алоҳида молхона қурилди. Деҳқонлар 10 минг сўм турадиган бу уйларни хўжаликдан кредитга олдилар. Улар бу маблағни 20 йил давомида тўлайдилар.

Қишлоқ бинокорлари хўжалик марказий қўрғонидаги маиший хизмат уйи ва чойхонани ҳам фойдаланишга топширдилар. Йил охиригача ёш куёв ва келинлар учун бешта коттеж қурилади.

Чет элларда

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ИНТЕГРАЦИЯ ВА КООПЕРАЦИЯ ЙЎЛИДАН

● ПРАГА. Чехословакия экономикасининг ҳар бир тармоғи совет ҳисоблаш техникасидан кенг миқёсда самарали фойдаланиб келмоқда. «СССРда ясалган» маркали ЭҲМ технология линияларини, автомат станоклар ўрнатилган участкаларни бошқармоқда, улардан ишлаб чиқариш планларини тайёрлаш учун фойдаланилмоқда.

Совет мутахассислари яратган компьютерлар корхоналарда жуда катта ҳажмдаги ишларни бажармоқда: кун мобайнида олинган маълумотларни ишлаб чиқмоқда, жорий ахборотни бериб турмоқда, пул билан таъминлаш, маҳсулотни реализация қилиш масалаларини ҳал этишда ёрдамлашмоқда. Ҳозир ЧССР халқ хўжалигида социалистик мамлакатларнинг «РЯД» деб аталган ягона системасига мансуб икки юздан кўпроқ ЭҲМ ишлаб турибди. Бу соҳадаги Чехословакия — Совет ҳамкорлигини кенгайтириш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Масалан, бу йил ЧССРга 45 миллион сўмлик миқдорда совет ҳисоблаш техникасини етказиб бериш кўзда тутилган.

ОЛИЙ СИФАТ БИЛАН

● СОФИЯ. И. Бояжиев номидаги Бургас кемасозлик заводининг коллективи меҳнатда катта ғалаба қозонди — корхонада совет буюртмаси билан қурилган янги кема сувга туширилди. Бу сузувчи устахонани БХРнинг давлат қабул комиссияси олий сифатли деб баҳолади.

Бургас кемасозлари ўз муваффақиятини СССР билан БХР ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги биринчи шартнома имзоланган йилнинг яқинлашиб келаётган 36 йиллигига бағишладилар. Ишлаб чиқарила бошлаган кемалар туркумининг тўнғичи бўлмиш бу янги кема совет ва болгар кемасозлари мустаҳкам илмий-техникавий ҳамкорлигининг самарасидир. Сузувчи устахонага ўрнатилган жуда хилма-хил асбоб-ускуналар иккала мамлакат мутахассисларининг меҳнати натижасида вужудга келтирилган. Шу туфайли кеманинг унумдорлиги 25 процент ортди. Корхона коллективи республиканинг Бургас округида «Совет Иттифоқига аталган маҳсулотга ишчилик кафолати» ҳаракатининг ташаббускоридир.

(ТАСС).



21 МАРТ—ВЕНГРИЯ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН КУН

ВЕНГРИЯ. Бугун венгер меҳнаткашлари Венгрия Совет Республикаси эълон қилинган куннинг 65 йиллигини нишонламоқдалар. 1919 йилнинг 21 мартида юз берган бу воқеа венгер халқлари тарихида ўчмас из қолдирди. Суратда: социалистик Венгрия пойтахти — Будапешт шаҳрининг Дунай соҳилидаги парламент биносининг кўриниши.

МТИ—ТАСС фотоси.

САЙЛОВОЛДИ ЮРИШЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК. Американинг бешта штати — Мичиган, Арканзас, Миссисипи, Жанубий Каролина ва Кентукки штатларида демократик партия активларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишларда июль ойида бўладиган миллий съездга делегатлар танлаб олинди. Шу съездда АҚШ президенти лавозимига партиянинг расмий номзоди кўрсатилади. Делегатларнинг овоз бериши учун кураш президентликка уч даъвогар — собиқ вице-президент У. Мондейл, сенатор Г. Харт ва негрлар арбоби Ж. Жексон ўртасида борди.

ЮПИ ахборот агентлигининг партия йиғилишлари якунлари юзасидан қилган ҳисоб-китобларига кўра, Мичиган ва Арканзас штатларида Мондейл делегатлардан 65 тасининг овозини олиши мумкин. Хартни 40 делегат қувватлаб чиқди. Жексон ҳозирча 12 делегат овозига эга. Овозларни санаб чиқиш душанба куни ниҳоясига етадиган Миссисипи штатида ҳам Мондейл биринчи ўринда бормоқда. Қолган икки штат — Жанубий Каролина ва Кентуккида демократларнинг йиғилишида ғолиб аниқланмади. Чунки йиғилиш иштирокчиларининг катта кўпчилиги даъвогарлардан бирортасига ҳам овоз бермасликка қарор қилдилар.

(ТАСС).

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

МАНАГУА. (ТАСС). Бу ерда меҳнаткашларнинг сандиночилар касаба союз раҳбари билан Португалия меҳнаткашлари умумий конфедерацияси — Миллий Интерсиндикал ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзоладилар. Ҳужжатда иккала мамлакат меҳнаткашлари ўртасидаги алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш муддаоси таъкидланади ҳамда халқларнинг тинчлик ва социал тараққиёт йўлидаги кураши қўллаб-қувватланади.

Никарагуа ва Португалиянинг энг катта касаба союз бирлашмалари империализмга, фашизмга, ирқчилик ва апартеидга қарши курашаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқлари билан бирдам эканликларини билдирдилар.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

АРХЕОЛОГИЯ

ҚУРҒОҚЧИЛИК ЁРДАМИДА

● Шотландияда ўтган йилнинг ёзи қурғоқчилик билан ўтганлиги археологлар учун омадли бўлди. Улар мутахассислар билан бирга самолётдан туриб Марказий Шотландиянинг қурғоқчилик бўлиб ўтган районларини суратга туширдилар. Қовжираган ўтлоқ ва далалар орасида номаълум бўлган қадимий қалъалар топилди. Бу қалъалар Британия оролларига қадимий римликларнинг ҳужуми пайтида қурилганди. Тахминларга кўра, топилган уч қадимий қалъа бундан 1900 йил илгари қад кўтарган.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

ЧАҚҚОНЛАР МУСОБАҚАСИ

Нью-Йоркда ҳар йили осмонўпар биноларга чиқиш мусобақаси ўтказилади. Эмпайр стейт билдинг номи билан аталувчи осмонўпар бино зинапоялари бўйлаб юқорига чиқиш мусобақаси қизиқарли бўлади. Бу сафарги мусобақада 35 киши, шу жумладан, тўққиз аёл иштирок этди. 86 қаватли бинонинг 1.575 зинапоясидан юқорига биринчи бўлиб ҳинди Аль Вокие кўтарилди. У зинапояларни 11,5 минут ичида босиб ўтди.

ФАКТНИНГ ЎЗИ

АЖОЙИБ КРОССВОРД

Бельгиянинг Брюгге шаҳрида яшовчи фуқаролардан бири 25 минг сўздан иборат кроссворд тузди. Бунинг учун у бир неча ой бош қотирди. Кроссворднинг жойлашиш узунлигига 12,5 метр бўлса, кенглиги 1,5 метрни ташкил этди.

КУБА—АНГОЛА МУЗОКАРАЛАРИ

ГАВАНА, (ТАСС). Бу ерда Куба билан Ангола ўртасида расмий музокаралар бошланди. Куба Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, республика Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг раиси Фидель Кастро ва бу ерга дўстона амалий визит билан келган МПЛА — Меҳнат партиясининг раиси, Ангола Халқ Республикаси президенти Жозе Эдуарду душ Сантуш делегацияларга бошчилик қилмоқдалар.

Дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтаётган музокаралар кун тартибида иккала партия ва ҳукумат ўртасидаги икки томонлама муносабатларга доир масалалар, шунингдек, халқаро вазиятга биринчи навбатда Африка жанубидаги аҳволга доир асосий проблемалар бор.

Ливиянинг раддияси

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Судан Бирлашган Миллатлар Ташкилотига мурожаат этиб, кимга қарашли эканлиги номаълум бўлган самолёт 16 март куни Судан пойтахтининг районларидан бири — Омдурманни бомбардимон қилганлигини муҳокама этиш учун БМТ Хавфсизлик Кенгашининг фавқулодда мажлисини чақиришни илтимос қилди.

ТРИПОЛИ. (ТАСС). Ливия жамахирияси ташқи алоқалар халқ бюроси Судан томонининг Омдурманга осмондан қилинган ҳужумга Ливия дахлдор деган даъволарини рад этди. Триполи радиосининг хабар қилишича, Суданда рўй берган кейинги воқеаларга нисбатан Ливиянинг позицияси араб ва Африка мамлакатларининг элчиларига баён этилган.

ПАРИЖ, (ТАСС). Ахборот агентликларининг Хартумдан хабар қилишича, 16 март куни ҳеч қандай белги қўйилмаган самолёт Судан пойтахти — Омдурманнинг районларидан бирини бомбардимон қилди. Рейган маъмурияти бу можародан дарҳол фойдаланиб ўзининг Судандаги қуролли кучларини мустаҳкамлашга ва бу регионда кескинликни баттар кучайтиришга киришди. Айни вақтда Америка пропагандаси Ливияга қарши кампанияни авж олдирди. Ҳолбуки, «Монд» газетасининг таъкидлаб ёзишича, Американинг «маслаҳатлашув» учун Хартумга визит қилиб келган элчиси Уолтерс кетганидан кейин орадан ўн кун ўтгач, осмондан мана шундай ҳужум қилинди. Шу муносабат билан «Матэн» газетаси Пентагон Америка ҳарбий техникасини келтириш учун Қоҳира билан Хартум ўртасида осмон кўприги вужудга келтиришни мўлжаллаб турганлиги тўғрисида маълумотлар борлигини уқтиради.

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). «Нью-Йорк таймс» газетасининг Америка расмий вакилларидан олинган маълумотга асосланиб хабар қилишича, якшанба куни Оклахома штатидаги Тинкер базасидан электрон разведка қилувчи авако системасининг иккита самолёти парвоз қилган. Улар Мисрга қараб учиб кетган. Мана шу жосус самолётларга Судандаги вазиятни кузатиб туриш вазифаси топширилган. «Нью-Йорк таймс» газетасининг уқтириб ёзишича, мазкур «учар радарлар» бу регионга президент Рейганнинг шахсий фармойишига мувофиқ юборилди ва уларнинг парвоз қилиши қаттиқ сир тутилди. «Давлат департаментининг вакиллари билан Пентагон ходимларига Судандаги вазиятнинг бирон бир жиҳати ҳақида ломлим дейиш қаттиқ тақиқлаб қўйилди», деб ёзади газета.

ХАВФЛИ КЕЛИШУВ

ТОКИО, (ТАСС). Тегишли Хитой—Ғарбий Германия битими апрель ойининг ўрталарида имзоланиши муносабати билан кейинги вақтларда Япония матбуоти Бонн билан Пекин ўртасида ядро қуроли соҳасидаги ҳамкорликнинг истиқболларини қизғин муҳокама қилмоқда. Бу қизиқишнинг сабаби равшан: Япония ҳукуматининг ўзи Хитойга реактор техникаси етказиб бериш тўғрисида музокаралар олиб бормоқда. Бу масала ХХР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларда ҳам сезиларли роль ўйнамоқда. Ғарбий германияликлар ХХР билан тузилмоқчи бўлган битимни амалий равишда тўла-тўкис тайёрлаб қўйдилар.

Япон матбуоти бу битимнинг кўламига эътиборни қаратмоқда: у ядро соҳасидаги ҳамкорликнинг атом электр станциялари етказиб беришдан тортиб Хитойнинг уран конларида биргаликда ишлашгача бўлган турли жиҳатларни ўз ичига олади.

Бироқ бу борада парчаланувчи материаллардан фойдаланиш устидан контроллик қилиш соҳасида шартнома лойиҳасида бирон бир қоида йўқлиги эътиборни ўзига тортади. Чунончи икки томонлама контроллик ҳам, иккала давлат аъзо бўлган Магатэ ташкилотида амал қилувчи система юзасидан текшириш ҳам кўзда тутилмаган. Шу муносабат билан япон кузатувчилари ХХРнинг ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага қўшилмаганлигини ҳамда шу сабабли гарчи Хитой ядровий давлат бўлса ҳам, мазкур шартномада қатнашувчи давлатларнинг бирортаси шу пайтгача ядро соҳасида у билан ҳамкорлик қилишга ботина олмаганлигини эслатмоқдалар.

Тўғри, битим лойиҳасида томонларнинг фақат тинч мақсадларда ядровий ҳамкорлик қилиш мажбурияти жуда умумий тарзда баён этилган.

ЯНГИЛИКЛАР

ЭЛ МАНФААТИ ЙЎЛИДА

ТУПРОҚҚАЛЪА УЙЛАРИ

Тупроққалъа — қум-барханлар масканн эди. Партия ва ҳукуматимизнинг халқ фаровонлиги йўлидаги катта ғамхўрлиги билан эндиликда бу ерларда қайноқ ҳаёт бошланди. Барханлар ўрнида ихтисослашган совхозлар ташкил этиляпти. Ҳозир уларнинг сони еттита бўлиб, шулардан бири—«Нукус» қўйчилик совхозидир. Бу ерда яқинда умумий сахни 504 квадрат метр бўлган 9 та уй-жой фойдаланишга топширилди. 3-4 хонали бу уйларнинг ҳаммаси хўжалик чорвадорларига берилди.

—Лойиҳаси маҳаллий шароитларга ғоят мос қилиб чизилган бу уйларни қуриб, ишга туширишда,—дади Урганчдаги 11-қурилиш бошқармаси бошлиғи Р. Раҳмонов,— А. Рўзматов бошлиқ участка қурувчилари алоҳида жонкуярлик қилишди. Айниқса, З. Ортиқов, М. Мададов, П. Худойберганов, С. Жуманиёзов, К. Сафаров сингари бинокорлар ва шофёрларнинг ҳиссаси катта.

М. АВЕЗОВ.

ТЕАТРДА КОЛХОЗЧИЛАР КУНИ

● А. Мажидий номли Каттақўрғон шаҳар ўзбек давлат драма театрида область қишлоқ хўжалик ходимлари кунини ўтказиш анъанага айланиб бормоқда.

Бу йил театр коллективи Пахтачи, Нарпай, Каттақўрғон районларининг пахтакорлари билан Қўшработ район чорвадорларини қабул қилмоқдалар. Театр ижодий коллективи пахтакор ва чорвадорларга ўз репертуаридаги энг яхши спектаклларни намойиш этишни планлаштирган. Булар орасида «Дўстимнинг ўғли», «Қарғалар учса қарайлик», «Уй алмаштириш», «Келинлар қўзғолони», «Онаси ўпмаган қиз», «Гўзал эркак», «Тўнғич ўғил» каби драматик асарлар бор.

Театрда колхозчилар кунини янада қизиқарлироқ ўтказиш мақсадида театр коллективи томошабинлар конференцияларини, ижодий учрашув кечаларини ҳам ташкил этмоқдалар. Бу учрашувларда меҳнат аҳли театр актёрларининг ижодий режалари билан танишмоқда.

М. ТОШЕВ.

● СПОРТ ● СПОРТ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАРАФОНЧА ЮГУРИШ ВА ЮРИШ КАТТАҚЎРҒОН-84

ҚИЗҒИН ТАРАДДУД

МУСОБАҚА АРАФАСИДА

Енгил атлетикачиларимиз газета совғини учун ўтказилаётган республика чемпионатида мунтазам иштирок этиб келмоқдалар. Гарчанд биз ҳозирча команда ҳисобида кучли олти коллектив сафидан жой олиб келаётган бўлсакда, область шаҳар ва қишлоқларида марафонча югуриш ва спортча юришни янада оммавийлаштиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Бурноғи йили Косонсойда ўтказилган совриндорлик баҳси ўзига хос спорт байрамига айланганини наманганликлар яхши эслашади. Ўшанда оммавий стартларда минглаб йигит-қизлар иштирок этиб, югуришга астойдил ишқибоз эканликларини намойиш этгандилар.

Спорт мастери Ю. Лапин бошчилигидаги югурувчи ва спортча юрувчиларимиз машқларга зўр бермоқдалар. Аҳмад Отахўжаев, Наримон Олимов, Шавкат Мамаев, Гулнора Саломова, Дониёр Турғунов сингари спортчиларга катта умид боғлаб турибмиз. Спортчиларимиз бу йилги мусобақада мавқеларини мустаҳкамлашга ҳаракат қиладилар.

Ҳ. ТУРҒУНОВ,
Наманган область терма командасининг тренери.

Тошкент чинни заводининг рассоми Еқубжон Қорабоевнинг ижоди республикамиздагина эмас, чет элларда ҳам машҳурдир. У корхонада 25 йилдан буён меҳнат қилиб келади. Унинг мўйқаламидан чизилган нафис нақшлар кишини мафтун этади. Айни кунларда рассом Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига эсдалик совғаларини яратиш устида иш олиб бормоқда.

Суратда: Узбекистон халқ рассоми Е. Қорабоев иш устида.

Р. Нуриддинов фотоси (ЎзТАГ).

ТАДҚИҚОТ ДАВОМ ЭТАДИ

ЗИЛЗИЛА БЎЛГАН ЖОЙДА

Наманган областининг Поп районида ер силкиниб турибди. Илгари хабар қилганимиздек («Совет Ўзбекистони», 21 февраль), дастлабки ер силкинини қайд этилиши биланоқ у ерга Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Сейсмология институтининг комплекс экспедицияси зудлик билан жўнаб кетган эди. Хўш, амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишлари қандай натижалар бермоқда? Мухбиримизнинг бу саволига институт директорининг ўринбосари, геология-минералогия фанлари доктори, Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати С. ҚОСИМОВ қуйидагича жавоб берди:

— Экспедициямиз аъзолари зилзила марказига етиб боргач, «Наманган» сейсмик станцияси ҳузурида ер силкинишларини ўрганиш ва олдиндан тахминан айтиб бериш бўйича штаб ташкил қилдилар. Биз, Чуст-Поп районида сейсмик ва гидросейсмогеологик, геофизик, геодинамик ва инженерлик-сейсмологик тадқиқотларни авж олдириб юбордик. Зилзила маркази зонасида кўплаб ҳар хил аппаратларни ўрнатдик. Чоркесар посёлкасида эса муваққат сейсмик станция барпо этдик. Ер силкинишларининг характерини ўрганиш туфайли бўлажак бир қанча зилзилани олдиндан айтиб беришга муваффақ бўлдик.

— Сандориф Маърупович, экспедиция фаолиятининг давом этиши нима билан боғлиқ?

— Биз ўз олдимизга Поп зилзиласи ўчоғининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишни, кейинчалик эса ушбу райондаги сейсмик хавф-хатарларни аниқ-равшан билиб олишни мақсад қилиб қўйганмиз. Чунки, бундай хавф-хатарни тўғри баҳолай олиш шундай хавф-хатарга қарши тадбирлар самарадорлигини оширади. Энг хавфли зилзила маркази зонасида қайд қилинаётган ер силкинишлари олимларга бинокорлар ва иншоотларга қай даражада таъсир этишини ҳисоблаш, энг муҳими, ана шу бинолар ва иншоотларни зилзилага бардош берадиган даражада қуришни таъминлайдиган конструктив ечимларни танлаш имконини беради. Бундан ташқари мутахассислар ер қаърига назар ташлаш ва кучли зилзила ўчоқларида рўй бераётган ўзгаришлар тўғрисида янги маълумот оладилар. Бу маълумотлар зилзила тўғрисидаги ягона физик назария-сейсмологияни тўғри йўналишда ривожлантириш учун зарурдир. Ана шундай назарияни яратиш ер силкинишининг қаерда, қачон ва кучи қандай бўлишини олдиндан тўғри айтиб беришни таъминлайди, шу билан бирга ушбу табиий офатга қарши фаол кураш олиб бориш йўлини кўрсатади.

Наманган областида ҳозиргача 400 га яқин ер силкиниши қайд этилди. Биз уларни ўрганиш ҳамда 1976 йилда бўлган Газли, 1980 йилда бўлган Назарбек зилзилаларига таққослаб, Поп районининг аҳолисини сейсмик активлик кучайиши ва яқин кунлар ичида янги кучли силкинишлар рўй бериши эҳтимоли борлиги тўғрисида огоҳлантирган эдик. Дарҳақиқат, 12 ва 13 март кунлари 6-7 балл куч билан ер силкинди.

Хуллас, ҳозиргача экспедициямиз аъзолари анчагина қимматли илмий материалларга эга бўлдилар. Бу материаллар кейинчалик ишлаб чиқилади. Зилзила марказидаги тадқиқотлар эса давом этмоқда.

ЕР ОСТИДА ДОВУЛ

«Тошкент» сейсмик станцияси кучли зилзила содир бўлганини қайд этди. ТАСС мухбирига хабар қилишганидек, зилзила 19 март Москва вақти билан соат 23 дан 29 минут ўтганда рўй берди. Унинг маркази Бухоро областида жойлашган. Бу ерда ернинг тебраниши 9 балл дан ошди. Газлида унинг кучи 8—9 балл, Бухорода — 7, Навоийда — 6, Самарқандда — 5-6, Урганч, Жиззах, Нукусда — 5, Тошкентда — 4 балл бўлди. Газли, Бухоро шаҳарларида ва зилзила марказига яқин аҳоли пунктларида баъзи иморатлар вайрон бўлди.

Туркманистонда ҳам ер қимирлади. Чоржўйда унинг кучи — 7 балл, Мари ва Тошовузда 6 баллдан ошиқ, Ашхоббада 5—5,5 балл бўлди. Ер ости тебранишлари Тожикистон территориясида ҳам сезилди.

Зилзила рўй берган районларда аҳолига иттифоқ ва республика ташкилотлари орқали зарур ёрдам кўрсатилмоқда.

(ТАСС).

ТАНҚИДГА НОТЎҒРИ МУНОСАБАТ

Қўшкўпир район «Мўл ҳосил учун» газетаси редакторининг ўринбосари Эркин Эрматов район партия комитетига таклиф этилди. Райком секретари Отабой Машариповнинг «Ўзбошимчалик» қилган журналистдан қаттиқ ранжиганлиги, уни партияга чақириб қўйишга қарор қилганлиги қисқа суҳбат пайтида аён бўлиб қолди.

Гап область ва республика газеталарига ёзилган хатлар хусусида борди. Райком секретарининг фикрича, журналистнинг хатти-ҳаракати мутлақо нотўғри. Район партия ташкилоти билан ҳисоблашмай, тўппа-тўғри матбуот органларига мурожаат этиш учун бирор асос йўқ. Бунинг устига, хатлар ғаразгўйлик билан ёзилган. Мабодо, фактлар тасдиқланмаса, хатларнинг автори Э. Эрматов жиноий жавобгарликка тортилиши огоҳлантирилди.

Суҳбат кескин вазиятда ўтганлиги, ундан кўзда тутилган мақсад «одоб» доирасидан четга чиққан журналистнинг танобини тортиш эканлиги масала жиддийлигидан дарак берарди. Район партия комитети агитация ва пропаганда бўлими мудири Р. Жуманиёзов, район газетаси редактори А. Ражабов суҳбатда иштирок этишди. Р. Жуманиёзов ўз сўзида Э. Эрматовни шахсиятчилик ва ғаразгўйликда, тирноқ орасидан кир излашда айблади.

— Ниманки ёзган бўлсам, келтирилган фактлар далил-исботлар билан тўла тасдиқланади. Ҳаққоний танқид учун таъқибга учрадим. Бундай қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! — туриб олди дадиллик билан журналист.

Ким ҳақ, ким ноҳақ? Наҳотки райком секретари тўғри танқид учун газета редактори ўринбосарига дакки берса? Юмшоқроқ таъбир билан айтганда, бу ҳолислик эмас-ку. Ёки Эрматов софдил кишиларни бадном қилаётганмикин?

Ҳақиқатни аниқлаш, тўғри хулосага келиш мақсадида Э. Эрматовнинг редакцияга ёзган хатларида келтирилган фактларни атрофлича таҳлил қилдик, автор қўлидаги ҳужжатлар билан таништик, тегишли кишилар билан мулоқотда бўлдик. Райком секретари О. Машарипов, агитация ва пропаганда бўлими мудири Р. Жуманиёзов, область халқ маорифи бўлими мудири Р. Машарипов, район халқ маорифи бўлими мудири Б. Собиров билан суҳбатдаги агитация ва пропаганда бўлими мудири Р. Жуманиёзов қатнашган. Қабул қилинган қарорда Р. Бобожонов халқ ўқитувчиси номига доғ туширганлиги кўрсатилиб, унинг коллективда ишлаб қолиш учун маънавий ҳуқуққа эга эмаслиги таъкидланди.

Район халқ маорифи бўлими мудири Б. Собиров аввалги иш жойида миси чиққан Р. Бобожоновни қўшни Жданов номли мактабга ўқитувчи қилиб тайинлайди. Афсуски, иш ўрни ўзгарди-ю, Бобожоновнинг таажжубга солади. Район халқ маорифи бўлими мудири Б. Собиров бу гал ҳам ахлоқий нопок шахснинг иш ўрнини янгилади, Беруний номли мактабга ўқитувчи қилиб тайинлади, вассалом, Ана жазо, ана ҳаққоний сигналга муносабат!

Р. Бобожонов КПСС аъзолигига кандидат эканлигини, стажи икки йилга етаётганлигини эътиборга оладиган бўлсак, унинг ахлоқи масаласига принципиал ёндашиш лозим эди. КПСС Устави талаби шуни тақозо этади.

БИР ХАТ ИЗИДАН

тимиз редакцияга ёзилган хатнинг мазмуни ва моҳиятига бағишланди.

Журналист Э. Эрматов қаламга олган ва уни безовта қилган мавзу — ўқитувчининг ахлоқи масаласи. Химия ва биология ўқитувчиси Равшан Бобожонов ахлоқий бузуқлик йўлига ўтиб, педагог деган шарафли номга доғ туширмоқда. Жданов номли мактаб директори И. Худойберганов маънавий тубанликка юз тутган Р. Бобожоновнинг ножўя хулқ-атворини билса ҳам, унга ҳомийлик йўлини тутган.

Р. Бобожонов Ҳамид Олимжон номли мактабда ишлаган даврида, яъни бундан бир йил илгари унинг ахлоқсизлиги ва маиший бузуқлиги мактаб партия ташкилоти ва касаба союз комитети қўшма йиғилишида муҳокама қилинган. Йиғилишда район партия комитети агитация ва пропаганда бўлими мудири Р. Жуманиёзов қатнашган. Қабул қилинган қарорда Р. Бобожонов халқ ўқитувчиси номига доғ туширганлиги кўрсатилиб, унинг коллективда ишлаб қолиш учун маънавий ҳуқуққа эга эмаслиги таъкидланди.

Район халқ маорифи бўлими мудири Б. Собиров аввалги иш жойида миси чиққан Р. Бобожоновни қўшни Жданов номли мактабга ўқитувчи қилиб тайинлайди. Афсуски, иш ўрни ўзгарди-ю, Бобожоновнинг ахлоқи ўзгармади. Бу мактабда унинг қинғир ишлари яна ошкор бўлди. Ишга янги келган ёш педагог қиз ахлоқий бузуқ Бобожоновнинг тузоғига илиниб, обрўси тўкилди. Бу ҳақда қизнинг отаси Б. Ниёзматов қилган шикоят текширилди-ю, лекин оқибатсиз қолаверди.

Шу факт диққатга сазоворки, район партия комитетига тушган шикоятни текширишга газета редакторининг ўринбосари Э. Эрматов ҳам жалб қилинган. Райком агитация ва пропаганда бўлими мудири Р. Жуманиёзов тасдиқланган фактлар асосида Р. Бобожоновнинг ўқитувчи номига номуносиб қилмишларини газетада фош қилиш ҳақида Э. Эрматовга кўрсатма берган. Аммо, кейинчалик вазият ўзгариб, Р. Бобожоновга нисбатан муросасозлик йўли тутилганлиги кишини таажжубга солади. Район халқ маорифи бўлими мудири Б. Собиров бу гал ҳам ахлоқий нопок шахснинг иш ўрнини янгилади, Беруний номли мактабга ўқитувчи қилиб тайинлади, вассалом, Ана жазо, ана ҳаққоний сигналга муносабат!

Р. Бобожонов КПСС аъзолигига кандидат эканлигини, стажи икки йилга етаётганлигини эътиборга оладиган бўлсак, унинг ахлоқи масаласига принципиал ёндашиш лозим эди. КПСС Устави талаби шуни тақозо этади.

Редакцияга ёзилган хатда Жданов номли мактаб директори И. Худойберганов шаънига билдирилган эътирозларда ҳам жон бор. Дирекция, мактаб партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари педагоглар ўртасида тарбиявий ишни бўшаштириб юборганлар. Халқ ўқитувчисининг обрўсини кўтариш, педагогларни бурч ва масъулиятни чуқур ҳис этиш руҳида тарбиялаш, ахлоқ нормаларининг бузилишига қарши муросасиз кураш олиб бориш давр талабидир. Мактабда носоғлом муҳит, шахсий келишмовчилик ва ошна-оғайнигарчилик фактлари юз берганлиги таълим-тарбия савиясига салбий таъсир этмай қолмайди, албатта. Область халқ маорифи бўлими бу соҳада таъсирчан чораларни амалга ошириши зарур.

Кўриниб турибдики, журналист Э. Эрматов редакцияга ёзган хатда келтирилган фактлар асосли. Райкомда бизга бу хатни ёзишга туртки бўлган сабаб шахсий характерга эга эканлигини, Жданов номли мактаб директори И. Худойберганов билан Э. Эрматов ўртасида бўлиб ўтган низодан кейин ғаразли шикоятлар кўпайганлигини айтишди. Эҳтимол, бу ростдир. Ҳақиқий журналист холис, беғараз бўлиши, дилида заррача ҳам гина-кудурат бўлмаслиги керак. Бу ёғи ҳамкасбимиз Эрматовнинг виждонига ҳавола.

Аввало, биз журналистни ҳимоя қилиш ёки уни бир томонлама оқлаш ниятида эмаслигимизни рўй-рост айтамиз. Ҳақиқатни ёзган киши ҳеч кимнинг ҳимоясига муҳтож ҳам бўлмайди. Аммо ҳаққоний танқидга лоқайд қараш, нуқсон ва иллатларни хас-пўшлаш умумий ишга зарар келтиради. Хатнинг ёзилишига нима туртки бўлгани ва унинг автори кимлигидан қатъи назар, фактлар синчиклаб текширилиши, мавжуд хато ва нуқсонларни тугатиш чоралари кўрилиши лозим эди. Яна бир жиҳати бор. Агар кишиларга нисбатан кимки ноҳақ даъво ёки туҳмат қилишга журъат этса, бундай ишга қонун олдида албатта жавоб беради.

«Мўл ҳосил учун» газетаси редакторининг ўринбосари Э. Эрматов редакцияга ёзган хатда келтирилган фактлар асосан тўғри эканлигини юқорида айтиб ўтдик. Лекин район партия комитети секретари О. Машариповнинг танқидга муносабати, хат автори билан қилган совуқ муомаласи бизга ғалатироқ туюлди. Танқид учун кимнидир таъқиб қилиш ўрнига, хат ва шикоятларда очиб ташланган хатоларни тузатиш тадбирлари амалга оширилса, партиямиз кўрсатмасига мос бўлиб тушарди. Бу билан айтмоқчимизки, танқидга нотўғри муносабатда бўлишнинг ҳар қандай кўринишларига қатъиян барҳам берилиши лозим.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БОШ УНИВЕРМАГ ХИЗМАТДА

● Самарқанд шаҳрида яқинда фойдаланишга топширилган бош универмаг «Средазгипроторг» институти мутахассислари тайёрлаган лойиҳа бўйича қурилди.

Универмагни бунёд этишда «Самаркандхимстрой» бирлашмасига қарашли 3-қурилиш-монтаж бошқармаси бинокорлари жонбозлик кўрсатишди. Улар қисқа вақт ичида 3 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардилар. 4500 квадрат метрли савдо заллари харидорлар дидига мослаб бежирим қилиб безатилди. Эстониядан келтирилган 300 минг сўмлик замонавий ускуналар ўрнатилди.

А. ДИЛМУРОДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 23 мартда чиқади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кафедра мудирлари: стилистика ва таҳрир қилиш;

кафедра профессорлари: ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси, гуманитар факультетларда КПСС тарихи, биохимия;

кафедра доцентлари: ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси, назарий физика, квантли радиофизика, радиацион физика, умумий физика, умумий математика, алгебра ва сонлар назарияси, математик анализ (3 ўрин), геометрия, дифференциал тенгламалар. табиёт факультетларда, фалсафа, илмий коммунизм, табиёт факультетларда фалсафа, илмий коммунизм, табиёт факультетларида фалсафа, гражданлик ва хўжалик ҳуқуқи, гражданлик жараёни, совет жиноий ҳуқуқи, чет эл шарқ мамлакатлари тарихи, табиёт факультетларида рус тили;

кафедра катта ўқитувчилари: алгебра ва сонлар назарияси, оптика, умумий физика (физиклар учун), олий математика (физика факультетида), физик-электроника, геодезия ва картография, этика, эстетика ва илмий атеизм, табиёт факультетларида немис ва француз тиллари, фалсафа-иқтисод факультетида сиёсий иқтисод, гуманитар факультетларида рус тили, роман-герман факультетларида инглиз филологияси, илмий коммунизм, умумий назария фанлар (тайёрлов факультетида), табиёт факультетларида сиёсий иқтисод;

кафедра ассистенти: умуртқалилар зоологияси;

кафедра ўқитувчилари: табиёт факультетларида рус тили, фалсафа-иқтисод факультетларида психология, афғон филологияси;

кичик илмий ходимлар: разведка қилиш ва регионал геофизика тармоқ лабораториясига (2);

катта илмий ходимлар (илмий даражаси борлар): разведка қилиш ва регионал геофизика тармоқ лабораториясига;

катта илмий ходимлар (илмий даражасизлар): разведка қилиш ва регионал геофизика тармоқ лабораториясига (4).

КОНКУРС МУДДАТИ — 14 АПРЕЛГАЧА.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Студентлар шаҳарчаси, Маъмурий бино, 6-қават, 63-хона, кадрлар бўлими.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ПЕДИАТРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кичик илмий ходимлар: ёш болалар патологияси ва физиологияси бўлими, пульмонология, овқатланиш лабораторияси, республика илмий-медицина ахбороти бўлими.

Конкурс муддати — 14 апрелгача.

Ҳужжатлар институт директори номига қуйидаги адресга юборилсин: 700046, Тошкент шаҳри, 2-Чимбой кўчаси, Талант проезди, 3-уй.

Давлат план комитети ҳузуридаги ЭКОНОМИКА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

сектор мудири (фан доктори ёки кандидати): капитал маблағлар самарадорлиги ва асосий фондлар;

сектор катта илмий ходимлари: катта маблағлар самарадорлиги ва асосий фондлар (2 ўрин — фан кандидатлари ёки бой иш тажрибасига эга бўлганлар), енгил саноат;

сектор кичик илмий ходимлари: капитал маблағлар самарадорлиги ва асосий фондлар (2), енгил саноат, территориал планлаштиришда ташкилий-ҳуқуқ проблемалари.

Конкурс муддати — 11 апрелгача.

Мурожаат учун адрес: 700017, Тошкент шаҳри, Ҳ. Сулаймонова кўчаси, 29-уй. Телефон: 39-18-43.

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

диэлектрик материалларда радиацион жараёнлар лабораторияси бўйича **катта илмий ходим** (қаттиқ жисм физикаси ихтисоси бўйича) вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 3 апрелгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Улуғбек посёлкаси,

РЕСПУБЛИКА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: иккинчи рус тили амалий курси, иккинчи ҳозирги замон рус тили, она тили рус тили билан қиёслаб (доцент, фан кандидати), биринчи рус ва чет эл адабиёти, учинчи рус ва чет эл адабиёти, жисмоний тарбия ва спорт;

кафедра катта ўқитувчиси: биринчи рус ва чет эл адабиёти;

кафедра ўқитувчилари: пропедевтика ва нутқни ўстириш, биринчи ҳозирги замон рус тили.

Конкурс муддати — 27 мартгача.

Мурожаат учун адрес: 700110, Тошкент шаҳри, Академик В. Решетов кўчаси, 4-уй.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 21/III да **Севгига севги билан**, 22/III да **Тоҳир ва Зуҳра**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/III да **Зебуннисо**, 22/III да **Ғийбат**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА 21/III да **Хотинимнинг эри**, 22/III да **Заҳар ичган даъвогар**.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ЯНГИ ПРОГРАММА. СОВЕТ ЦИРКИ САНЪАТИ УСТАЛАРИНИНГ ТОМОШАЛАРИ (19.30).

Тошкент давлат университети юридик факультети коллективи Совет меҳнат ҳуқуқи кафедраси доценти А. А. Иноятовга онаси **Лутфи ТУРАЖОНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СССР Медицина саноатининг Бутуниттифоқ химия-технология илмий-тадқиқот институти (ВНИХТИМП) коллективи институт ходими Ш. С. Ғозиевга отаси **Султонмаҳмуд Аҳмедович ҒОЗИЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

21 МАРТ, ЧОРШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Горизонтлар, қаердасиз! 10.10 — Кумликлардаги узундан-узоқ йўл. Бадиий фильм. 2-серия. 11.25 — Ҳужжатли фильмлар. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 16.55 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 17.25 — Кўкламги эрмаклар. 17.55 — Биз БАМни қурямиз. 18.25 — Спорт ҳафталиги. 18.55 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Куба поэзияси кечаси. 20.25 — Кумликлардаги узундан-узоқ йўл. Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — Время. 22.05— Футбол. УЕФА кубоги.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 12.05 — Оила ва мактаб. 13.40 — Москва бўйлаб саёҳат. 14.30 — Ф. И. Тютчев ижодига бағишланган кўрсатув. 15.10 — Космик аср. Солнома саҳифалари. 16.10 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Онамларнинг мактаби. 19.30 — Қишлоқ янгиликлари. 20.50 — Лилес ансамблининг чиқиши. 21.00 — Ҳамдўстлик. 21.30 — Время. 22.05 — Эттинчи жума. Бадиий фильм. 23.10 — Концерт.

ТОШКЕНТ-I. 11.00 — Ахборот. 11.20 — Болалар учун фильм. 12.00 — Сўз кетидан сўз келар. 12.20 — Ёш сеҳргарлар. 13.05 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Ўсмирлар учун. Тенгдош. 18.45 — Ўлкамизни боғ-роғларга бурканайлик. 19.00 — КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 й) Пленуми қарорлари — ҳаётга! 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ассалом, Наврўз! 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ассалом, Наврўз! (давоми). 21.30 — Время. 22.00 — Бутун оламда нима гап. 22.15 — Гирдоб. Спектакль. 2-қисм. 23.40 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.15— МОСКВА-II. 18.00 — Янгиликлар. 18.10 — Телефильм. 19.00 — Шундай аёллар яшайди. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Қайсар қиз. Бадиий фильм. 21.30 — МОСКВА-II.

22 МАРТ, ПАЙШАНБА

МОСКВА-I.

9.00 — Время. 9.40 — Мультфильмлар. 10.15 — Қумликлардаги узундан-узоқ йўл. Телевизион бадиий фильм. 3-серия. 11.20 — Ҳужжатли фильмлар. 11.55 — Концерт. 12.20 — Янгиликлар. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Қишлоқ уфқлари. 16.25 — Болалар ва ўсмирлар Бутуниттифоқ ҳафталиги. 17.20 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 17.50 — Фан ва техника. 18.00 — Шахмат мактаби. 18.30 — Миллионлар ленинчи университети. 19.00 — Дунё воқеалари. 19.15 — Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати. 20.45 — Футбол бўйича кубок эгаларининг кубоги учун. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол бўйича Европа чемпионларининг кубоги.

МОСКВА-II.

9.00 — Гимнастика. 9.15— 9.35 — Илмий-оммабоп фильм. 12.00 — Сиз яратган боғ. 12.30 — Бугдан металлар ва қотишмалар. 13.35 — 14.15 — СССР Бадиий академияси. 14.45 — Шингнинг мовий маржони. 15.00 — Учувчида менинг ҳаёлим. Бадиий фильм. 16.05 — Янгиликлар. 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Шароит тақозосига кўра. 1-кўрсатув. 19.45— Дунё ва ёшлар. 20.20—20.30 — Телефильм. 20.45 — Халқ куйлари. 20.55 — Телевизион бадиий фильмлар. 21.30 — Время. 22.05 — Останкино концерт студиясида ёзувчи Г. Троепольский билан учрашув.

ТОШКЕНТ-I.

11.00 — Ахборот. 11.20 — Азиз. Телевизион бадиий фильм. 12.30 — Ўқув программаси. 13.00 — Ўқувчилар бригадасида. 13.45 — Янгиликлар. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Сўз кетидан сўз келар. 18.35 — Ёшлик. 19.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Арарат». 20.50 — Ахборот. 21.10 — Бу бошланиши. Катталар учун мультфильм. 21.30 — Время. 22.05 — Баҳорги эҳтиш — биринчи имтиҳон. 22.25 — Ў. Усмонов. «Гирдоб». Телеспектакль. 3-қисм. 23.35 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II.

9.00 — 16.10 МТ II. 18.00 — Янгиликлар. 18.10 — Амурга борамиз. 18.30 — Мусобақа омма ижоди. 19.00 — Буюк Петр кўрфази. Телефильм. 19.15 — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Тошкент қурилмоқда». 19.45 — Ахборот. 20.00 — Музикали сайр. 20.35 — Реклама. 20.50 — Ахборот. 21.10— Фақатгина бир сатр. Телефильм. 21.30 — МТ II.

РАДИО

21 МАРТ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари. 9.30—Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 11.15— Баҳор ва меҳнат байрами. 11.30— Ўзбек операларидан парчалар. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00—Чорвадор. 14.00 — Қўл меҳнати — машиналар зиммасига. 19.25— Увертюралар. 21.00— Шеърият кечаси. 21.20— Музикали салом. 22.30 — Я. Шерфединов асарларидан концерт. 23.15— Сайқал.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент-П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.

Р. 09150. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 69. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12